



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

# Посишга

Газета 1930 йил 12 майдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси ИИБ нашри • 2002 йил 3 октябрь, пайшанба • 40 (3464)-сон

2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили



## ФАХРИЙЛАР ҲУРМАТ-ЭЪТИБОРДА

Жиззах вилояти ИИБда фахрийлар доимо ҳурмат-эътиборда. Ҳозирда сочларига оқ оралаган бу инсонлар ўз вақтида тинчлик ва осойишталикни сақлашга бор куч-билимларини сарфлаганлар. Уларнинг жиноятчиликка қарши курашда тўплаган кўп йиллик иш тажрибаси, ҳаётий билимлари милиция сафига кирган ёшларга асқотаяпти. Шунинг учун ҳам вилоят ИИБ раҳбарияти фахрийларнинг ёш ходимлар билан учрашувларини тез-тез ташкил этиб туради. Пенсияларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам кўп ишлар қилинмоқда. Бундан ташқари хизмат бурчини бажараётган вақтда ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларидан хабар олиб туриш эътибордан четда қолмаяпти. Устозлар фақат байрамлардагина эсга олинаётгани йўқ. Кексаларга хўжалик



ишларида ёрдам бериш, керакли дори-дармонларни етказиш ёки хизматдан бўш вақтда уйларига бориб ҳолларидан хабар олиш, маслаҳат сўрашни жиззахлик милиционерлар ўз бурчлари деб биладилар.

**СУРАТЛАРДА:** бир гуруҳ фахрийлар ички ишлар ходимлари билан бирга; Жиззах вилояти ИИБ молия-иқтисод бўлими ходимлари, милиция капитани А. Ойдинова ва милиция лейтенанти З.Куканов ички ишлар фахрийси И.Шерматовнинг хонадониди.

**Б. БЕГИМҚУЛОВ**  
олган суратлар.

«Пахта – 2002»

## ТЕГИШЛИ ЧОРАЛАР КЎРИЛЯПТИ

Маълумки, бу йилги баҳорнинг серёғин келиши пахта майдонларида гўзалар ривожига жиддий таъсир кўрсатди. Ҳосил одатдагидан кечроқ пишиб етилди. Шу боис ҳам йигим-теримга зўр бериб, етиштирилган қимматбаҳо хом ашёни тезроқ йиғиштириб олиш чоралари кўриляпти. Жойларда ички ишлар ходимлари мавсумда пахтакорларга яқиндан кўмак беришяпти. Пахтани ўғирлаш, қўшни республикага олиб ўтиб сотиш каби қонунбузарликлар, экинларни пайхон қилинишининг олдини олиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини назорат қилишда фаоллик кўрсатишяпти.

Мавсум бошидан буён пахта ўғирлаш ва ўзлаштиришда айбдор деб топилган 56 нафар шахсга нисбатан маъмурий чора кўрилиб, 260 минг сўм жарима солинди. Етти нафар фуқаро эса жиноий жавобгарликка тортилди.

Шу кунга қадар республикамиз далаларида 832 та пахтазорларни пайхон қилиш ҳолатлари аниқланиб, 708 нафар айбдор шахсга чора кўрилди.

Пахта йигим-терими даврида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузган 51 нафар шахсга нисбатан баённомалар тузилиб, улар жаримага, бир нафар шахс устидан жиноий иш қўзғатилди.

Қимматбаҳо хом ашёни республика ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш ҳолатларининг олдини олиш учун жойларда ички ишлар ходимлари жамоат ташкилотлари вакиллари билан биргаликда тадбирлар ўтказишяпти. Мирзаобод тумани Элобод кишлоғида яшовчи С. Н. хўжалик даласидан пахта териб, Қозғистонга олиб ўтаётганда ушланди. Туман суди томонидан унга тегишли миқдорда жарима солинди.

Айрим фуқароларнинг лоқайдлиги, эътиборсизлиги, қорамолларни болаларга топшириб бепарво юриши оқибатида экинлар пайхон қилинмоқда. Шунингдек, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик оқибатида ўт чиқиб, пахта ва бошқа нарсаларнинг ёниши кузатилмоқда.

Ички ишлар идоралари ходимлари жойларда қонунбузарлик, қоидабузарликларга йўл қўймаклик учун барча имкониятларни ишга солишяпти.

**М. ТҲҲТАЕВ,**  
милиция майори.

Шу сонга хабар

## КОМПЬЮТЕРЛАР СОВҒА ҚИЛИНДИ

**К. Аденауэр** номидаги халқаро хайрия жамғармаси Республика ИИБ Жазони ижро этиш муассасаларидан бирига олтига компьютер термасини совға қилди.

— Ушбу воқеа катта аҳамиятга эга, — деди хайрия ташбири чоғида республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат генерал-майори Р. Қодиров. — Тарбия колониясида вояга етмаган ўғил болалар маълум вақт ўтгач озодликка чиқишади. Уларнинг ҳаётга мослашиб кетиши, ўзларини йўқотиб қўймаклиги ва қайта жиноят содир этмасликлари муҳимдир. Шу боис тарбияланувчилар муассасадан қай даражада билимли, ахлоқ-одобли бўлиб чиқишлари тарбиячилар ва ўқитувчиларнинг саъй-ҳаракатига боғлиқ.

Айтилган сўзлар амалда татбиқ этилиши учун талайгина ишлар қилинапти. Болалар ўрта мактаб дастури доирасида билим олиши учун барча имкониятлар яратилган. Эндиликда К. Аденауэр номидаги халқаро жамғарманинг беминнат ёрдами туфайли улар компьютер техникаси сирларидан воқиф бўладилар.

Шу кун тарбия колониясига ташриф буюрганлар орасида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) С. Рашидова, ИИБ Жазони ижро этиш Бош бошқармаси масъул ходимлари, республика Прокуратурасининг, жазолар ижросини назорат қилувчи вакили Н. Файзуллаев, қатор вазирлик, идора ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларнинг вакиллари ҳам бор эди. К. Аденауэр номидаги халқаро жамғармасидан жаноб Томас Кунц иштирок этди.

Меҳмонлар вояга етмаган болаларга яратилган шарт-шароитлар, янги компьютер синфи билан яқиндан танишдилар.

Ўз мухбиримиз.

# УЧИНЧИ «Посишга» gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,  
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,  
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
HAYRATOMUZ VOQEALAR,  
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

# + TV OLAM

**Пойтахт вилояти учта қўшни давлат билан чегарадош. Кейинги пайтда республикамиздан ташқарига ноқонуний равишда моддий-товар бойликларни олиб чиқиш ва олиб киришга уриниш ҳолатлари учрапти. Шу боис вилоят ички ишлар идоралари ходимлари божхона хизмати вакиллари билан ҳамкорликда чегара постлари ва сарҳадларга яқин ҳудудларда бир қатор амалий тадбирлар ўтказмоқдалар.**

Республика ҳудудига кириб келаётган ва чиқиб кетаётган ҳар бир енгил ва юк машиналари текшириляпти. Машиналарда мавжуд бўлган озиқ-овқат, саноат ва бошқа турли хил товарларнинг сифати, истеъмолга яроқчилиги, тегишли жойлардан берилган рухсатномалар чуқур ўрганилмоқда. Текширишда бир қатор

## ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

қоидабузарлик ва қонунбузарликлар аниқланыпти.

Зангиота туманида жойлашган "Рамадон" чегара масканида вилоят ИИБ йўл-патруль хизмати инспектори Ю. Отабеков Тошкент туманидаги Ф. Умаров номи ширкат хўжалигида яшовчи И. Зиёдуллани "Москвич" русумли автомашинада 300 минг сўмлик гуруччи ноқонуний равишда Қозоғистон Республикасига олиб кетаётганда ушлади.

"Чегара" тадбири ўтказётган вилоят ИИБ жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармаси ходимлари Тошкент туманидаги "Регистон" маскани яқинидаги айланма йўллар

орқали ҳаракатланиб бораётган З. Юсупов бошқарувидаги "ПАЗ-672" русумли автобусни тўхтатишди. Машина салони текширилганда 30 млн. сўмлик турли хилдаги буюмлар борлиги аниқланди. Буюмларнинг эгаси Ш. Қ. уларни ҳеч қандай ҳужжатсиз Қозоғистондан олиб келаётганини тан олди.

Шунингдек, Тошкент тумани Дархон кўрғонида яшовчи О. Б. ўзига тегишли "ВАЗ-2106" русумли автомашинада мижози, қашқаларёлик Ш. М.нинг 2,4 млн. сўмлик дори-дармонларини ноқонуний йўл билан Қозоғистондан республикага олиб ўтаётганда қўлга тушди.

Вилоят ички ишлар ходимларининг тегишли идоралар вакиллари билан ҳамкорликда чегарадар, бозорларда олиб бораётган текширувлари яхши самара бермоқда: Тадбирлар бошлангандан бери ноқонуний равишда олиб ўтилаётган бир неча ўн миллион сўмлик моддий товар бойликлари ушлаб қолинди.

Р. ПИРМАТОВ.

## САҲИФАДА — ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ



Янгийўл шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходимлари томонидан йил бошидан бери юздан ортиқ фуқаро майда ташмачилик қилаётганда ушланди. Қўриқланаётган объектларда ходимлар ҳушёрлик билан хизмат бурчларини адо этаётганликлари боис ўғриликлар содир этилишига йўл қўйилмади. Хонадонлар ишончли муҳофаза қилинаётгани сабабли шаҳарда уйини марказий қўриқлаш пультага топшираётганлар сони ортиб борапти.

Янгийўл шаҳар Самарқанд кўчаси 119-уйда яшовчи А. Семёнов хонадондан умумий нархи 50 минг сўмга яқин турли хил буюмлар ўғирлаб кетилгани ҳақида хабар тушди. Марказий қўриқлаш пультада навбатчи-

ликда турган милиция сержанти Н. Холматов ва милиция сафдори Р. Мирзаевлар воқеа жойига тезда етиб бордилар. Суриштирув натижасида ўғриликни жабрланувчи-

ушлаб, шаҳар ички ишлар бўлимига олиб келишди.

Навбатдаги хизмат вазифасини ўтаётган қўриқлаш бўлими ходимлари А. Тўрабоев ва М. Абдувоҳобовлар оёқ олиши бошқароқ, атрофга аланглаб бораётган шахсни тўхташиб, текширишганда чўнтагидан 30,6 грамм героин

чиқди. Бу йигит янгийўллик В. М. бўлиб, унинг уйдан ҳам гиёҳвандлик молдалари топилди.

Ходимларимиз бошқа хизматлар билан биргаликда қатор тадбирларда ҳам иштирок этмоқдалар. Айни кунларда шаҳарда "Тозалаш" ва "Арсенал" тадбирлари давом этапти.

А. МИРЗАЕВ, милиция капитани.

### Шогирд эҳтироми

## УМРБОД МИННАТДОРМАН

Педагогик касбини эгаллаб, мактабда ўқитувчилик қилиб юргандим. Милиция хизматига таклиф қилишди. Вояга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси ходими сифатида иш бошлаганимда милиция хизматининг машаққатини ҳис этдим. Мактабда болаларга дарс бериш бошқа, маҳаллада ўсмирларга кўз-қулоқ бўлиб юриш бошқа экан. Дастлаб анча қийналдим. Милиция майори Адҳам ака Содиков менга хизмат сирларини ўргатиб, қийинчиликларни енгишимда кўмаклашдилар. Хизматда бирор нарса тушунмасанг ийманмай сўрайвергин, уялиб хато қилгани кечириб бўлмайди, дейдилар. Орадан икки йил ўтиб, мени туман ИИБ раҳбариятига чақириб, профилактика инспектори вазифасига ўтказмоқчи эканликларини айтишди. Адҳам ака тавсия қилибдилар. Эътироз билдиргандим, устозим ёрдам бераман эплаб кетасан, дедилар.

Профилактика инспекторининг вазифаси анча оғир экан. Вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармасида ўтказилган қисқа ўқув машғулотида қатнашиб, хизмат юзасидан сабоқ олдим. Милиция майори Шухрат Тошмухамедов мавжуд қонун-қоидалар, профилактика инспекторининг хизмати нимадан иборатлигини кенг тушунтириб берди. Уларни ҳам ҳақли равишда устоз дейман.

Кейинги беш ой ичида мен хизмат қилаётган Тошкент туманидаги "Тошкент" ширкат хўжалигининг "Рамадон" ва "Илғор" маҳаллаларида ҳеч қандай жиноят содир этилмади. Бу ютуқни профилактика инспекторининг хизмати деб айтсалар, мен аввало устозларимнинг берган сабоқлари, ўғитлари, ўргатган тажрибаларининг самараси, дейман.

Сизлардан умрбод миннатдорман, устозлар!

Д. СОБИТОВ, милиция капитани.

### Ёрдамчи хизматларда

## СОХТА ЁЗУВЛАР ФОШ ЭТИЛАДИ

**Пойтахт банкларининг бирида қарийб ярим миллиард сўм кредит олиш учун чек дафтарчаси такдим этилади. Унга ташкилот раҳбари ва бош ҳисобчи имзо қўйган эди. Орадан вақт ўтиб ташкилот тафтиш қилинганда бу сир очилади. Бироқ раҳбар ҳам, бош ҳисобчи ҳам бундан беҳабар бўлган. Сохта имзо қўйиб расмийлаштирилгани аниқлангач, чек қоғозлари экспертизага юборилади.**

Хатшунослик экспертизасида имзо текшириб қўрилганда у, ҳақиқатан бошқа кишилар томонидан қўйилгани маълум бўлди.

Гумондорларнинг ёзуви, имзоси экспертизадан ўтказилди. Уларнинг турли йиллардаги ёзувларидан намуналар олиниб, текшириб қўрилди ва ниҳоят сохта имзо қўйган шахс аниқланди.

Бу вилоят ИИБ экспертиза-криминалистика бўлимида очилган янги соҳанинг дастлабки ютуғи бўлди. Ҳозиргача бу ерда ўнга яқин қийин ва чигал масалани ечиш учун экспертиза ўтказилиб, аниқ хулосалар берилди.

Кейинги пайтда одамларни қўриқтириш, товламачилик орқали турли шарт-

лар қўйиб, таҳликага солиш жиноятлари учраб турибди. Айрим ҳолларда қўйилган шартлар ёзма равишда юборилади. Қўлга тушиб қолган товламачи хатни ёзганлигини тан олмай, терговчиларни чалғитмоқчи бўлади. Ана шунда хатшунослик экспертизаси қўл келади.

Бу хизматнинг иши четдан қараганда оддийдек туюлади. Аммо ёзувни текшириб, солиштириб қўриш кишидан катта маҳорат ва сабр-тоқат талаб этади. Унинг ҳар бир чизиғи-ю, нуқтасигача ўрганилиши лозим. Айниқса, имзоларни текширишда ўта эҳтиёткорлик керак бўлади.

Жиноятларни очишда хатшунослик экспертизасининг ўз ўрни бор. Шу боис ҳам уни замон талаблари даражасида такомиллаштириб бориш керак.

Д. ПАРПИЕВ, милиция катта лейтенанти.



Адҳам Ғойибназаров Паркент туманидаги "Қорақалпоқ" қишлоғида профилактика инспектори бўлиб хизмат қилади. Кейинги ойларида бу ҳудудда жиноят деярли содир этилмади. Ўз касбининг фидойиси, бурчини ҳалол бажарётган ходимни қишлоқ аҳли ҳурмат билан тилга олади.

СУРАТДА: милиция катта лейтенанти А. Ғойибназаров.

А. ЗОЛОТАРЁВА олган сурат.

## «ГУЛЗОР» ПОСБОНИ

**Яқинда бир хорижий мамлакат ҳаёти акс эттирилган ҳужжатли фильмни кўрдим. Одамлар таҳликада яшапти, на егани, на ичгани ичига тушадди. Бир-бирлари билан бемалол гаплаша олишмайди. Ана шу манзарани кўриб юртимиздаги осойишта ҳаётдан фахрланиб кетдим. Маҳалламизда кун ора тўй, тантана, тадбир бўлиб ўтапти. Бу аввало республикамизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик ва уни таъминлаётган ички ишлар ходимларининг хизматлари туфайлидир.**

Бизнинг "Гулзор" маҳалламиз Қибрай туманидаги обод ҳудудлардан бири. Милиция капитани Маҳмуд Насимов хизмат кўрсатаётгандан бери жиноятчилик деярли барҳам топди. Ноқулай оила-лар сони камайди. Маҳалла аҳлини қувонтирган яна бир ҳолат болалар ва ўсмирлар учун спорт тўғрақлари иш-лаётганидир. Милиция таянч пункти қурилаётганда профилактика инспекто-

ри катта бир хонани спорт залига айлантириш ҳақида таклиф киритди. Бундан айниқса болажонларимиз хурсанд. Улар бекор қолиб, номаъқулчилик қилмасдан залда каратэ, кураш ва бошқа спорт турлари билан шуғулланишапти.

Маҳмуд Насимов бир кун менга қамқондан озод бўлган йигитни ишга жойлаштириш лозимлиги ҳақида гапириб қолди. Маслаҳатлашиб, қўшни маҳаллада жойлашган автокорхонага ишга жойлаб қўйдик. Масканимизда осойишталик барқарор бўлишининг боиси, маҳалла посбонларининг доимо ҳушёрлигидандир. Уларни эса профилактика инспектори назорат қилиб боради. Милиция таянч пунктида навбатчилик ташкил этилган.

М. Насимовнинг аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлишида унинг одамлар билан ширин муомаласи, тездан тил топишиб кетиши катта аҳамият касб этапти. Унинг қабулига келган киши ноумид кетмайди. Биз профилактика инспектори билан фахрланамиз.

А. ОБИДОВ,

Қибрай тумани "Гулзор" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

Ушбу саҳифа материалларини С. Шамсиддинов уюштирди.

ИБРАТ

**Илгари Хонқа тумани марказида битта милиция таянч пункти бўлиб, у ҳам мослаштирилган бинога жойлашган эди. Эндиликда эса бу ерда 5 та замонавий типдаги милиция таянч пункти фаолият кўрсатмоқда.**

Туман ҳокимлиги ҳамда ички ишлар бўлими раҳбариятининг ташаббуси билан туман марказидаги маҳаллаларнинг ҳар бирида ҳашар йўли билан замон талаблари даражасига жавоб бера оладиган милиция таянч пунклари қурилиши бошлаб юборилди. Бу ташаббусни шаҳарчанинг барча фуқаролари қўллаб-қувватлашди. Айниқса, Феруз маҳалласида бу ишга уюшқоқлик билан киришилди. Биринчилардан бўлиб Олтин момо Бобожонова, Искандар ота Собиров, Отабой ота Ҳринов, Рустам ота Раҳимов сингари кўплаб маҳалла фаоллари

## МАҲАЛЛАДАГИ ХАЙРЛИ ИШЛАР

бино қурилишига моддий ёрдам беришди. Саховатпеша қарияларнинг бу ташаббусига маҳалладаги бошқа кишилар ҳам қўшилишди. Тумандаги "Агроқурилиш" бошқармасининг ишчилари бу қурилишда сидқидилдан меҳнат қилишди. Қирқ кун ичида барча қулайликларга эга бўлган милиция таянч пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Яқинда янги бинога маҳалла фаолларини йиғиб, бир пиёла чай устида суҳбат ўтказдик, — дейди Хонқа туман ИИБ профилактика катта инспектори, милиция майори Илҳом Олимов. — Учрашувга таширф буюрган туман ҳокимлиги ҳамда ички ишлар бўлими раҳбарияти бино қурилишида фаол иштирок этишган жонкуяр инсонларга самимий миннатдорчилик билдиришди. Маҳалла оқсоқоллари юрт



тинчилиги ва осойишталигини таъминлашда ички ишлар идоралари ходимларига яқиндан ёрдамлашиш истагини билдиришди.

Ҳа, маҳаллада бўлганимизда амалга оширилаётган қатор ибратли ишларнинг гувоҳи бўлдик. Бу ерда тунги гуруҳлар

ташқил этилиб, улар белгиланган ҳудудлар бўйича ҳаракатланишяпти.

Маҳаллада 11 нафар муқаддам судланган шахс бўлиб, Илҳом Олимовнинг маҳалла фуқаролар йиғини раиси Йўлдош Нурметов билан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари

туфайли уларнинг барчаси ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилинган. Бундан ташқари, маҳалладаги жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар доимий назорат остига олинган. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, ов қуролларидан қонунда белгиланган тартибда фойдаланиш, паспорт қоидаларига қатъий риоя этиш бўйича ҳам кўпгина ишлар қилинган. Олиб борилаётган бундай профилактик тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Утган йили маҳалла ҳудудида 6 та жиноят содир этилган бўлса, бу йил бирорта ҳам содир бўлмади. Бу ерда маҳалла тинчилиги, унинг гуллаб-яшнаши учун барча бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилишмоқда. Шу боис бўлса керак, Феруз маҳалласи шаҳарчадаги ибратли маҳалла, деб эътироф этилди.

**Х. ЖАБОРОВ.**

*Суратда: Хонқа туман ИИБ профилактика катта инспектори, милиция майори Илҳом Олимов Феруз маҳалласи фаоллари билан суҳбатлашмоқда.*

**Ж. ҚОЗОҚ олган сурат.**

Фарҳод бугунги йиғилишдан кўнгли кўтарилиб чиқди. "Хизмат ҳудудида тартиб ўрнатгани ҳамда жиноят ишларини очишда фидойилик кўрсатгани сабабли туман ички ишлар бўлими ходимларига унинг тажрибаси намуна қилиб кўрсатилсин..." Фарҳоднинг фаолиятга бошқилар ана шундай баҳо беришди.

... Неъматхон ая Фарҳодни "шумтака" дея эркарларди. Кичиклигидан бир зум тек турмайдиган эркатойи ҳаётда ўз йўлини топиб олса,

кира ҳақини тўламай, жўнаб қолмоқчи бўлди. Ҳайдовчи унинг йўлини тўсди. Ахир, озмунча йўл босдимиз? Кутилмаганда йўловчи унинг биқинига бир неча бор пичоқ урди. Қиракча ерга йиқилди. Зўравон уни ўлган деб гумон қилиб, жуфтакни ростлади. Вақт аламаҳал. Та-содифан тирик қолган ҳайдовчи бир амалда машинани яқин касалхоналардан бирига ҳайдаб келди.

Эрталаб жиноят изига тушган Фарҳод воқеа тафсилотларини суриштира бошлади. Жабрдийданинг

Фарҳод ҳар куни эрталаб бўлимга келиб кетгач, кўп вақтини ўз ҳудудини айланиб ўтказди. Ким нима иш билан машғуллигини илғашга ҳаракат қилади. Шамси негадир охириги кунларда оёғи куйган товукдек типирчилаб қолгани унинг диққатини тортди. Катгароқ нарса сотиб олмоқчига ўхшайди, пул қидириб қолган Фарҳод уни зимдан кузатди.

Яхшиликка югур-югур бўлса-ку, майли.

Аммо бир куни жиноят қилишга мойил, доимий назоратда бўлган Собир билан

### Осойишталик посбонлари

лар ички ишлар ходимлари олдида кўндаланг турарди. Фарҳод бу чигал жумбоқнинг тағига етиш учун тергов-тезкор гуруҳи таркибида ишга киришди. Тинимсиз суҳбатлар, суриштиришлардан сўнг маълум бўлишича, улар бир-бирини севган. Бироқ оила аъзолари унаштиришга қарши бўлганликлари туфайли ўзларини сувга ташлаган экан.

Икром ака анчадан буён гиёҳвандлик модалари ноқонуний савдоси билан шуғулланиб келарди. У мижозларидан пулни олиб, уларга "лори"ни етказиб бериши балоғатга етмаган ўғли Жасурнинг зиммасига юкларди. Мижозларга героин, наша етказиб беришда устаси фаранг бўлиб кетган Жасур бу "савил"нинг мазасидан ўзи ҳам татиб кўра бошлади. Натихада қандай қилиб гиёҳвандга айланганини сезмай қолди. Орадан бир оз вақт ўтгач отаси қўлга тушиб, ўн йил мулдатга қамалиб кетди.

Жасур эса ишни енг ичида давом эттира бошлади. Йигитчани бу йўлдан ҳеч ким қайтара олмасди. Чунки у энди гиёҳвандлик модаларсиз тура олмас, ўзига укол қилишга ҳам ўрганган эди. Икром ака қамалгач, Фарҳод унинг оиласини назоратга олди. Жасурнинг юриш-туришидаги беҳаловатлик, ўзгаришни сезди. Жасур узоқ кузатувда бўлмади. Ўзига героиндан укол қилаётган пайтда қўлга олинди. Тергов вақтида Жасур бир неча бор ўғирлик қилгани, мол ўмариб сотгани, пулига эса героин қабул қилиб юрганлигига иқрор бўлди.

Фарҳоддан ўз касбига хос бўлган энг асосий фазилатлар ҳақида сўраганимизда: "Вазиятни тўғри баҳолай олиш, кимлар жиноятга қўл уриши мумкинлигини олдиндан сезиш, довораклик, ҳамиша ўз вазифасига мардларча ёндошишдир" деб жавоб берди.

**У. ЮСУПОВА,**  
Булоқбоши тумани.

## ҲАМКОР ВА ҲАМФИКР БЎЛИБ

**Юртимизнинг қайси бир гўшасида бўлманг, тинчлик ва осойишталик ҳукм сураётганини кўрасиз. Бунда осойишталик посбонларининг хизмати беқийёс. С. Раҳимов тумани ИИБ профилактика инспектори, милиция капитани Равшан Мусаев хизмат кўрсатаётган "Университет" маҳалласида жойлашган таянч пунктида олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқдир.**

Равшан ака иш фаолиятини 1995 йили Тошкент шаҳар ИИББ эксперт-криминалистика бўлимида бошлади. Орадан бир йил ўтгач, С. Раҳимов тумани ИИБ жиноят қидирув бўлимига ишга ўтди. 1997 йилдан эса "Университет" маҳалласига хизмат кўрсатиб келмоқда. Унга 10 нафар маҳалла посбони яқиндан ёрдам бераёпти.

Маҳалла посбонлигига аҳоли ҳамда талабалар орасидан жисмоний жиҳатдан бақувват, ақдан етук инсонлар танлаб олинган. Маҳалла посбонлари сардори Эркин Нарманов Равшан ака билан доимо ҳам-



фикр. Улар маҳалла аҳли ва талабалар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тўғрисида суҳбатлар ўтказиб, тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. Кўчалар ва ётоқхоналар жойлашган ҳудудларда тунги навбатчилик ташқил этилган.

— Равшан ака фидойи ва камтарин инсон. Биз, маҳалла посбонларига милиционерлик касби мураккаб, шу билан бирга шарафли эканлигини уқтириб, фуқароларимиз тинчилиги йўлида бор имкониётлардан фойдаланиш кераклигини таъкидлаб келадилар, — дейди Эркин Нарманов.

Юртимиз фаровонлиги, фуқароларимиз тинчилигини сақлашда мана шундай осойишталик посбонларининг тутган ўрни каттадир.

**Қ. ХУДОЙҚУЛОВА.**

## НЕЪМАТХОН АЯНИНГ ЭРКАДСИ

(Булоқбоши тумани ИИБ жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлинмаси катта тезкор вакили, милиция майори Фарҳод Аҳмедов ҳаётдан лавҳалар).

қайси она қувонмайди, дейсиз? Фарҳоднинг асли касби ўқитувчи эди. У Андижон Давлат педагогика университетининг жисмоний тарбия ва спорт факультетини биттирган. Эл-юрт осойишталигини ҳимоя қилишдек ҳаловатсиз ишга қизиқди. Ўқишни битириши билан ўйлаб ўтирмай, туман ички ишлар бўлимига ишга кирди. Хизмати давомида бўлим раҳбарлари уни ишга олишда янглишмаганликларига иқрор бўлдилар. Чунки, юз берган қатор жиноятларнинг очилишида унинг хизмати катта эди. Фарҳод олдий ходимликдан жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлинмасининг катта тезкор вакили, милиция майори даражасига гача кўтарилди.

... "Уш-Тошкент" йўналиши бўйлаб йўлга чиққан "Тико" автомашинасини ҳайдовчи поёнсиз адирликлар бағрида тўхтади. Манзилга етиб келган йўловчи

кўрсатмаларига таяниб, тез орада номард йўловчини қўлга олди.

Шамси умр йўлдоши Манзуран доим рашк қиларди. Унинг фикрича, таниши Рустам хотинига ўзини яқин тутди. Негадир хотинининг ҳам унга муносабати бошқача. Шамси дастлаб бунга бир оз бефарқ қаради, бироқ Рустамнинг турмуш ўртоғи "Хотининг эримни тинч қўйсин", деб жанжал кўтариб келгач, ундаги шубҳа-гумонлар кучайди. "Ҳаммасига Рустам айбдор. Уни йўқ қилсам, ҳар хил шубҳа-гумонлар ўз-ўзидан тинчийди", деб ўйлади у. Лекин қандай қилиб? Ўзининг қўлидан келмайди бу иш. Яхшиси, одам ёлагани маъқул. Ҳозир пул учун нималар қилишмайди?

Бўлажак қотил ундан бир юз эллик минг сўм талаб қилди. Шамси аввал пулнинг ярминини, қолганини эса иш битгандан сўнг берадиган бўлди...

Шамси нима ҳақдаир маслаҳатлашаётганлигини сезди. Фарҳоднинг хабар топганлигини пайқаган Собир унга бор гапни шипшитиб қўйди. Келишилган куни Собирга пул санаб бераётган Шамси қўлга олинди. Фарҳод уларни сўроқ қиларкан, пулнинг нима мақсадда берилаётгани ойдин бўлди-қолди. Машғум режа амалга ошмади. Бир қотилликнинг олди олинди. Ўлимга "маҳкум этилган" Рустамнинг эса ҳеч қандай айби йўқлиги исботланди.

Биз одатда фильмларда севги-муҳаббат йўлида ўзларини қурбон қилган ошиқ-маъшуқларни кўриб, "бу кино-да", деб қўямиз. Аммо ҳаётда ҳам бундай воқеалар учраб туради. Жанубий Фарғона каналининг Ширмонбулоқ дам олиш масканидаги тўсиқ тўрларидан бирини кетин аёл ва эркак кишининг жасадлари топилди. Бу нимани аңглатади? Жиноятми? Ёки ўз жонларига қасд қилишганми? — деган савол-

## Жиноят ва жазо

# ОҚИБАТИ ТЕРГОВ, СУД, КЎЗ ЁШЛАР...

**Яқинда Тошкент шаҳар жиноий ишлар бўйича судининг Марат Абду-жаббаров раислигида бўлиб ўтган мажлисида гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғулланувчи икки нафар шахсга нисбатан ҳукм ўқилди.**

Судланувчилар – 1965 йилда туғилган, Тожикистон Республикаси фуқароси Бегали Саримсоқов ҳамда Тошкент вилоятининг Бекобод туманида яшовчи, 1965 йилда туғилган Каримберди Холбековлар катта миқдордаги гиёҳвандлик моддаларини республикамиз орқали бошқа давлатларга ўтказиш билан шуғулланиб келишган. Жумладан, 2001 йилнинг июнь ойида 4 килограмм, август ойида 5 килограмм ва декабрь ойида 4 килограмм героинни контрабанда йўли билан Тожикистон Республикасидан Ўзбекистон орқали бошқа давлат фуқароларига етказиб беришган.

Улар шу йилнинг 27 апрель куни Тошкент шаҳрига катта миқдорда героин моддасини олиб келдилар. Тунги соат 1.00 ларда пакетларга жойлаштирилган 10 килограмм оғуни пойтахтимизнинг ҳам-за тумани ҳудудида мижозга ўтказишга Республика Ички ишлар вазирлигининг тезкор ходимлари томонидан қўлга олинган эдилар. Уларнинг вақтинча яшаб турган хонадони кўздан кечирилганда сотиш учун яшириб қўйилган яна 6 килограмм героин топилди.

Ички ишлар вазирлиги Тергов Бош бошқармасининг терговчиси, милиция катта лейтенанти Ф. Иноғомов томонидан олиб борилган дастлабки тергов ҳаракатлари вақтида аниқланган ҳамда фош этилган барча ҳолатлар суд жараёнида ҳам ўз тасдиғини топди.

Суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан Бегали Саримсоқов ва Каримберди Холбековларни айбдор деб топиб, уларнинг ҳар бирини 20 йилдан муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди. Жазо қаттиқ тартибли колонияда ўталди.

Охир-оқибати ўйланмай бо-силган қадим судланувчиларга нима олиб келди? Катта бой-ликми ёки шоҳона турмушми? Йўқ, албатта. Улар кўра-била туриб ўзларини темир қафасга урдилар. Бироқ олисда қолган онла тақдир, дўсту ёрлар олдидаги юзикаралик, зое кетган ёшлиги ҳақида ўйлаганда ҳар қандай кишининг юраги увишиб кетади.

Бегали Саримсоқовнинг 80 ёшдан ошган ота-онаси ва ногирон акаси судга кела олишмади. Турмуш ўртоғи ва тўрт нафар гўдак фарзандлари эса ота ортидан мўлтид-

лаб кўзда ёш билан кузатиб қолдилар.

Каримберди Холбековнинг учинчи фарзанди отаси тергов ҳибсхонасида ўтирган-да дунёга келди. Энди у озодликка чиққанда қизчаси ба-лоғатга етган бўлади. Турмуш ташвишлари фақатгина унинг турмуш ўртоғи зиммасига ту-шади.

Гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғулланувчи кимсалар қисмати аксарият мана шундай зайлда ўз поё-нига етмоқда. Буни йил бо-шидан буён терговчилар то-монидан кўзгатишган кўплаб жиноят ишлари мисолида ҳам кўра бўлади.

Наркотрафика билан шу-гулланувчиларни қилқўп-риқдан ўтаётган кишига тақ-қослаш мумкин. Уларнинг ос-тида эса жаҳаннам. Бироқ бе-хатар ўтганда ҳам уларни жаннат кутмаяпти. Чунки қўлларидан ажал уруғи бор.

Ўз тақдирини хавф остига қўйиб қалтис ишга қўл ур-ганлар хусусида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Шу йилнинг 17 сентябрь куни Хўжанд шаҳрида яшов-чи 29 ёшли Илҳом Жўрабоев 2 килограммга яқин героин моддасини олиб Ўзбекистон ҳудудига яширинча кириб ке-лади. Тошкент вилоятининг Бекобод туманида молига ми-жоз қидириб юрган вақтида ички ишлар ходимларида шубҳа уйғотади. У қўлидаги героинни 3000 АҚШ дол-ларига сотаётганда ушланди.

Дастлабки сўроқ вақтида И. Жўрабоев ўзи яшаб турган ҳудудда иш йўқлиги сабабли тирикчилик қилиш оғир экан-ини, рўзғор тебратиш учун шу ишга қўл уришга мажбур бўлганини, бундан пушай-монлигини айтди. Сўнгги пушай-монлиги – ўзинга душман, дейдилар. Жиноят учун эса жазо муқаррар!

Биз ушбу мақолага нуқта қўйишга улгурмай туриб ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармасидан кўнги-роқ қилишди. Соат 22.30 лар-да Сурхондарё вилоятининг Узун туманидаги чегара мас-кани яқинида хизмат олиб бораётган ички ишлар ходим-лари "ВАЗ-2106" русумли ав-томашинани текшириш учун тўхтатишган. Унинг йўловчи-лари тожикистонлик икки аёл ўзлари билан 700 грамм-га яқин героин моддасини олиб кетаётган эканлар. Бу яна тергов, яна суд, яна кўз ёшлар дегани.

**И. МИНАВАРОВ,**  
ИИБ матбуот марказининг  
масъул ходими, милиция майори.

Мен Садриддин Ибрагимов Наманган вилоятида, 1973 йилда ко-сиб оиласида туғилдим. Оиламиз-да 4 нафар фарзанд бўлиб, мен кенжаси эдим.

1995 йил октябрь ойи эди, ўртоқларим билан туман маркази-даги боғда улфатчилик қилиб ўти-рардик. Озгина кайфим ҳам бор эди. Менга нотаниш бўлган, ке-йин билсам Баҳром исмли йигит (у ҳам ичиб олган экан) биз ўти-рган жойга келиб, ҳар хил пичинг гаплар қила бошлади. Аста-секин кизишиб ҳақорат ва уят гапларга ўтди. Охири жанжал кўтарилиб, мушталашига айлиниб кетди. Ач-чиқ устида Баҳромга пичоқ уриб, шикаст етказдим. Кейин билсам, у касалхонада вафот этибди. Биз-ни ИИБ ходимлари олиб кетиш-ди. Шу вақтда мен энди 22 ёшга тўлиш арафасида эдим.

Тергов вақтида мен ўз гуноҳим-ни тушуниб етдим, қилмишимга пушаймон бўлиб, қилган жиноят-тимни батафсил равишда ёзиб бердим.

Бу қилмиш учун Наманган ту-ман суди 1996 йил май ойида мени 19 йилга озодликдан маҳ-рум қилишга ҳукм чиқарди. Суд менга нисбатан адолатли ҳукм чиқарди деб ҳисоблайман, ўз ай-бимга иқрорман.

1996 йили қаттиқ тартибдаги жазони ижро этиш муассасалари-дан бирига юборилдим. Маҳкум-лар ўртасида жамоат ишларида

## Чигал тақдирлар

## КЎР ҲАССАСИНИ БИР МАРТА ЙЎҚОТАДИ!

ҳам фаол иштирок этдим. Тартиб-бузарликларнинг олдини олиш шохобчасида иш олиб бориб, ички интизомни мустаҳкамлашга ўз ҳиссамни қўшдим. Тўғриси, бу ерда она қишлоғим, қадрдонла-римни кўп соғиндим.

Меҳнатга сидқидилдан ёндо-шиб, жамоа ишларида фаол иш-тирок этганим ҳисобга олиниб, менга нисбатан ўтган йиллар мо-байнида 4 мартаба Ўзбекистон Республикаси Президентининг амнистия тўғрисида Фармонлари қўлланилди. Бундан жуда хурсанд бўлардим, кўзларимга ёш келиб, йиғлаб юборардим.

Ҳозирги кунда манзил муассаси-да жазо муддатимнинг қолган қисмини ўтамоқдаман. Бошқа маҳ-кумлар қатори мен ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотла-рини экиш, йиғиш-тириш ишларида қатнашяпман.

Ҳукуматимиз раҳ-барияти бизга ўқша-ган адашган, ўз қил-мишига пушаймон бўлаётган маҳкум-


ларга нисбатан доимо ғамхўрлик, меҳрибонлик қилмоқдалар. Жазо муддатим тугашига яна бир йил вақт қолди. Мен бу ерда яхши-ёмонни кўриб ўз-ўзимга хулоса чиқариб олдим. Бошимдан ўтган кунларни душманамга ҳам раво кўрмайман. Ичкиликбозлик, гиёҳ-вандлик орқасидан кайф-сафо қилиш ёмон оқибатларга олиб ке-лишини тушундим. Бундан сўнг бундай ноҳўя ҳаракатлардан бош-қаларни ҳам қайтаришга бутун қуч ва иродамни бағишлайман.

Кўр ҳассасини бир марта йўқо-тади. Етар!

**Маҳкумнинг сўзларини оққа  
кўчирувчи:**

**А. ВАҲОБОВ,**

ички хизмат лейтенанти.



## ТОҒДАГИ ФОЖИА

Владимир ичкиликдан қисилиб кетган кўзлари-ни аранг очиб, атрофга разм солди. Боши зил-зам-бил. Чўнтақларини ҳафсаласизлик билан титкилаб чиқди, ҳеч вақо йўқ. Боши тинимсиз лўқиллайти, қорни ҳам оч. Азаматдан қарз кўтарсамикан. Пул деганларини топиш бунча қийин. 11 йил "ўтириб" чиққанини эшитган раҳбар борки, иш бериш нари турсин, гаплашгиси ҳам келмайди. Азаматнинг устахонасида бир ойдан бери ишлаб юрибди. Ён хо-наларда миллион-миллион сўмлик товар бўлатуриб, Владик (танишлари шундай деб чақиришади) ароққа пул тополмасая.

Владик қалит танлаш йўли билан устахонага кир-ди. АҚШда ишлаб чиқарилган "Кейс" русумли ком-байннинг нархи 50.000 сўм бўлган терма калийла-ри, 45.000 сўмлик автогеннинг кислород ба-лонини олди, 4000 сўмлик резина ичак-ни қопларга жойлади. Устахонадан чи-қидан олдин атрофини яна бир кўздан кечирди. Зоғ ҳам кўринмайди. Қопни кўтарганча Қарши шаҳрига жўнади. Ўлжасига харидор тез топилди. Бор-э, деб уни арзон-гаров сотиб юборди.

Владик кайф-сафони бошлаб юбор-ди. Тўрт-беш кунда пулиннинг таги кўри-ниб қолди. Шунда қўлга тушиб қолиши мумкинлиги миясига урди. Танишлари-ни бирма-бир кўз олдига келтириб бир-дан кўзлари чарақлаб очилди. У 2001 йил март ойида Сарийосиёдаги ошналари-ни кига етиб келди. Қаршида эса изкувар-лар ўғирликни ким қилганини аниқлаш-ган, уни қўлга олиш режасини тузишаёт-ганди.

Владимир таниши, Кассиров ширкат хўжалигида яшовчи Баҳодир Убайдулла-евнинг укаси Баҳриддинга тегишли то-даги дала ҳовлига жойлашди ва у-бу ишларни қилиб юраверди. 3 ноябрь куни шаҳарга тушиб чи-қиш учун хонадон эгасидан пул сўради. "Меҳмон"-нинг ўтмиши ва ички кечинмаларидан беҳабар Баҳ-риддин бир кунлик улфатчиликдан ошиб қоладиган миқдорда пул берди.

Шаҳардаги қаҳвахоналардан бирининг эгаси бўлган Шерзод шу куни ўз ҳаётига нуқта қўядиган кимса билан танишаётганини ҳаёлига ҳам келтир-мади. Владимирнинг очик қўнғиллилик билан қил-ган муомаласи, дўстлари учун жонини ҳам бериш-га тайёр эканлиги ҳақида оғиз кўпиртириб гапири-ши, муҳими, қамоқхонада бошидан кечирган сар-гузаштлари Шерзодни унга маҳкам боғлади. Улар тез-тез шаҳарда ёки тоғдаги дала ҳовлида учра-шиб турдилар.

– Владик, менда рўйхатдан ўтмаган милтиқ, ўқ-дорилар бор. Шуларни яшириб қўя оласанми, – деди бир куни Шерзод унга синовчан боқиб.

– Албатта. Вақти-вақти билан ов қилиб, парран-да гўштига тўйдирим ҳам мумкин, – деди Вла-димир.

Шерзод шу кунлик 1957 йили ишлаб чиқарил-ган қўшоғиз милтиқ, 4 дона патрон, ўқ-дориларни

келтириб берди. 150 минг сўм пулни ҳам унга ишо-ниб топширди. Владимир қуролни яшириб, пулни ўз эҳтиёжига ишлатиб юраверди.

3 январь куни Шерзод Жумакул Алимардонови кўриб қолди. "Жума ака, юринг тоққа бориб маишат қилиб келамиз", – деди унинг қўлтигидан олиб. Жу-макул ҳам бекор эди. Улар йўлга тушдилар. Анча юришгач, Шерзод дўкондан ароқ ва егуликлар олди.

Шарғун кўмир қонига келишганда қоровул Ҳасан-бой Аликулов машинанинг йўлини тўсди. Шунда машина ичидан: "Ҳасанбой ака, мен Шерзодман" деган овоз келди. Шерзоднинг бу ёққа тез-тез ке-либ туришини билган қоровул тўсиқни кўтарди.

Манзилга етишгач, Шерзод ҳайдов-чига жавоб бериб юборди. Владик бир-пасда дастурхон тузади. Шиша қопқоқ-лари очилиб, яхши тилаклар билдирил-ди. Шиша яримлаган сайин уларнинг "ақл мурувватлари" ҳам бўшаб, бора-бора да-ҳанаки жанг бошланди. Шерзод Владик-ни роса ҳақорат қилиб, асабини кўзгат-ди. Шундан сўнг узала тушиб ётганича уйкуга кетди...

Владик эса асабийлик билан тўлго-нарди. "Она сўти оғзидан кетмаган бола, сенинг беш-олти сўм пулинг бўлса, мен "зона таъми"ни татиб кўрганман. Шундай ҳаёлларни бошидан кечирган Владик ташқарига йўналди. У хонага қайтиб кирганда қўлида Шерзод "яшириб қўй", деб берган милтиқ бор эди. Владик хотиржамлик билан милтиқ учини Шерзоднинг ўнг чаккасига тира-ди. Варанглаб отилган ўқ овози тоғу тошларда акс-садо берди. Шерзоднинг танаси бир силкинди...

Владик заррача сесканмай марҳумнинг чўнтаги-дан 25000 сўм пул, 3000 сўмлик плейер, спорт ки-йими, костюм, футболка, туфлини олиб, ўз буюмла-ридек сумкага солди. Милтиқни олишни ҳам унут-мади. Эшикни қулфлаб Шарғун шаҳрига қараб пана-пасткам йўллар билан юриб кетди.

Қотил яшириниб, шахтанинг марказий иситиш хонасидан паноҳ топди. Шу ерда Алексей Таюби-цкий билан учрашиб, милтиқ сотмоқчи эканлиги, нар-хи 8 минг сўмлигини айтди. Алексей "менга керак-мас, балки Рифат олар, у овга қизиқади", деди. Милтиқнинг дарагини эшитган Рифат дарҳол етиб келди-да, у ёқ-бу ёғини кўриб, "эртага уйга бор, беш минг бераман", дея олиб кетди. Эртасига эрталаб Владик 5 минг сўмни санаб олди.

Қўлга олинган Владимир Кузьмин аввалига ҳамма айбни марҳумга ағдарди. Терговчининг синчковлик билан олиб борган суриштирувлардан кейин қил-мишини тан олди. Шундан сўнг қонунсиз қурол со-тиб олган Сарийосиё бекати назоратчиси Рифат Сен-жапов ҳам ушланди. Улар суд ҳукми билан тегишли жазо олдилар.

**Р. ТЎРАҚУЛОВ.**

# UCHINCHI «Посижа» gazetasi

## gazetasining ilovasi

# OLAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,  
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,  
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
HAYRATOMUZ VOQEALAR,  
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI



## ИРОҚДАГИ НАЗОРАТ КЕЧИКТИРИЛМОҚДА

АҚШ давлат котиби Колин Пауэллнинг айтишича, БМТнинг қуролланиш бўйича инспекторлари билан расмий Бағдод ўртасидаги музокаралар Хавфсизлик Кенгаши Ироқ бўйича янги резолюция қабул қиладиган вақтгача қолдирилиши мумкин. Яъни, инспекторлар комиссияси раиси Ханс Бликс ҳозирча ҳеч қандай ишга қўл урмай туриши мақсадга мувофиқдир. Резолюция қабул қилиниб, БМТнинг бу борадаги позицияси аниқлангачгина музокарани бошлаш мумкин.

Бу орада Буюк Британия ва АҚШ томони БМТ дипломатларини мисли кўрилмаган даражадаги жиддий резолюцияни қўллаб-қувватлашга кўндиришга уринмоқда. Бу ҳужжат ҳақиқатан ҳам инспекторлар ишига кучли таъсир кўрсатади. Унинг лойиҳасига кўра, Ироқ ҳеч қандай шартларсиз бир ҳафта ичида БМТ қарорини ижро этишга розилик бериши ва кейинги 30 кун ичида ўз ҳарбий дастурининг барча деталларини очиб бериши

керак. Бу рад этилган ҳолда Ироққа қарши ҳарбий куч ишлатилиши мумкин.

Лекин бу резолюция бир овоздан қўллаб-қувватланаётгани йўқ. Россия Президентининг фикрича, аввало Ироққа халқаро инспекторларнинг тезроқ қайтиб кириши масаласини ечиш керак. Франция раҳбарияти ҳам АҚШ-Буюк Британия ташаббусини қўллаб-қувватлагиси йўқ. Худди шу позицияни Хитой ҳам эгаллаб турибди.

Бу масалалар билан бир қаторда айни пайтда АҚШ томони Ироқ осмони, хусусан, мамлакат самолётлари парвози тақиқланган ҳаво кенгликлари тинч эмаслигига изоҳ берапти. Россия томони осмондаги майда жанглар муаммони янада чигаллаштираётганини таъкидлаган эди. АҚШ мудофаа вазири Доналд Рамсфелднинг айтишича эса, Ироқ ҳаво ҳужумидан мудофаа кучлари назоратчи самолётларни ўққа тутгани учун жавоб зарбаларини олмоқда. Бу билан Ироқ БМТ резолюцияларидаги қондаларни ҳам қўпол равишда бузаётган экан. Д.Рамсфелд сўнгги икки ҳафта ичида АҚШ ва Буюк Британиянинг Ироқ осмонини назорат қиладиган самолётлари 67 марта ўққа тутилганини маълум қилди.

## МАДОННА – ИКОНА МАҚОМИДА



Америкалик таниқли эстрада ва кино юлдузи Мадонна VHI мусиқий канали томонидан мусиқа тарихидаги энг буюк аёл деб эълон қилинди. Каналнинг 750 минг кишилиқ тингловчи орасида ўтказган сўрови натижасида шундай қарорга келинди. Мадоннани сўровда қатнашганларнинг 17 фоизи ёқлади. Шундай қилиб, доим имижини ўзгартириб турадиган бу юлдуз (ҳойнаҳой суратдаги ҳолатда уни ҳали кўрмаган бўлсангиз керак) Билли Холидей, Арета Франклин каби жуда машҳур ва ихлосманди беҳисоб бўлган санъаткорларни ҳам ортда қолдириб кетди.

Сўров натижасини шарҳлар экан, VHI канали вакиласи Салли Хаббершоу “Мадонна – икона, маъқега чикди” деди. Умуман олганда, бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Мадонна мусиқа тарихида энг омадли санъаткордир. Дунё бўйлаб унинг альбомлари 140 миллиондан зиёд нусхада сотилган.

Сўров қатнашчилари иккинчи ўринга австралиялик юлдуз Кайли Миногни “жойлаштирди”.

Учинчи ўринда “Титаник” марсияси ижроси – канадалик Селин Дион. Биринчи бешликни Уитни Хьюстон ва Арета Франклин тамомлади.

Мэрая Кэри ўз фаолиятида сўнгги вақтларда айрим муаммоларга дуч келган эса-да, Glitter деб аталувчи альбом ва шундай номланган фильм чиқаргани учун еттинчи ўринга сазовор бўлди. Ундан битта юқорида Тина Тернер, битта састда эса Майкл Жексоннинг синглиси Жанет хоним турибди. Тўққизинчи поғонада – Бритни Спирз, унингча – Wuthering Heights ва Babooshka кўшиқлари билан машҳур бўлган Кейт Буш.

Бизда кўпчиликка яхши таниш бўлган Pink 27, Spice Girls 44, Софи Эллис-Бекстор 69, Шакира эса 71-ўрин билан чекланипти. Афсонага айланган бошқа санъаткор аёллар куйидагича: Жони Митчелл – 19, Женис Жоплин – 28, Кэррол Кинг – 54, Нина Симон – 66. Яқинда авиаҳалокат натижасида ҳалок бўлган ритм-энд-блюз йўналишида куйлаган Аалия 24-ўринни олди.



## ИТЛАР ОДАМ БИЛАН ГАПЛАШАДИ

Бунақаси ҳали бўлмаганди. Японияда итлар билан “мулоқот”да ёрдам берадиган жиҳоз савдога чиқарилди. Жума куни дўконларга келган бу маҳсулотнинг номи Bowlingual (“вовулловчи таржимон” ёки “вов-таржимон”). У бир неча соат ичида бутунлай сотилиб бўлди. Лекин улгурмаган харидор ҳеч ҳам хафа бўлаётгани йўқ. Маҳсулот энди кўплаб чиқари-

жада, бирмунча эркин таржима қилинган сўз ё жумла пайдо бўлади.

“Таржимон”ни ишлаб чиқарувчи Такага компанияси вакилининг айтишича, “итларнинг ҳаёлидан нималар кечаётганини аниқ билиш учун уларнинг зотида бўлиш керак, лекин “вов-таржимон” сал бўлса-да икки томонлама мулоқотга ёрдам бериши тайин”. Компания келажакда бу тадқиқот жуда такомиллашиб кетишига умид билдиarmoқда.

Ишлаб чиқарувчиларнинг билдиришича, тадқиқотларга акустика лабораторияси ходимлари жалб қилинган боис, янги ихтироси 50дан зиёд ит зотига мослаштиришга муваффақ бўлинган. Булар орасида энг кичик чихуахуадан немис овчаркасигача ҳамма кенг тарқалган зотлар бор. Йил охирига қадар Такага Япониянинг ўзида 300 минг дон “вов-таржимон” сотмоқчи.

Компаниянинг ўз олдига қўйган мақсадлари жуда катта. У келгусида итлар ахборотини электрон почта орқали узатиш, бошқа ҳайвон ва паррандалар “тили”дан таржима қилувчи янги тилмочлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи.

Жуда ажойиб рангли принтер ё қимматбаҳо сканерни чиқинди сифатида ташлай оласизми? Йўқ, албатта. Лекин юксак даражада ривожланган давлатда яшаётган бўлсангиз, бу матоҳларнинг янгилари аллақачон савдога чиққан бўлса-чи? Унда иложи йўқ. Кишини ақлдан оздирадиган ҳолат бу. Буюк Британияни мисол қилиб оламиз. Бу мамлакатда соппа-соғ маиший техника ахлатхоналари тарқалишига қарши кураш кампанияси бошланди.

Гап шундаки, у ёқда эски рангли принтер учун картриж сотиб олгандан кўра, янги принтер харид қилиб кўя қолган маъқул. У яхшироқ, тезроқ, сифатлироқ ишлайди. Қолаверса, 90-йиллар охириларида ишлаб чиқарилган принтерларни компьютерга улаш ҳам қийинлашиб кетган. Улаш жойлари ва воситаларининг ўлчами ўзгаргани ҳали ҳаммаси эмас, Windows XP каби замонавий операцион системалар уларни умуман тан олмаслиги ҳам мумкин.

“Техникавий ахлатхоналар” пайдо бўлишининг бош сабаби



## ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ОДАМНИ АҚЛДАН ОЗДИРАДИ!

шундаки, эскирган техникани сотиб ҳам, хайрия жамғармаларига тортиқ қилиб ҳам бўлмайди. Ҳамма янгисини олишни истайди.

“Ахлат”га фақат компьютер ва унинг “ёрдамчилари” эмас, бошқа нарсалар ҳам тушади. Ҳар қандай катта кўчада “Эски уяли телефон кўтариб юришдан уялмайсизми?” қабилидаги реклама плакатларини кўриш мумкин. Бу плакатларда кўпи билан бир йил аввал роса мода бўлган телефоннинг суратини кўрасиз. Ўзингизники яхши ишлаб турган бўлса-да, рекламачилар сизга бошқача маслаҳат беради: “Кўшнингиз фотокамераси ва ҳатто термометрлари бор телефон сотиб олди, сиз қандай бош кўтариб юрибсиз!” Қарабсизки, соппа-соғ матоҳ қичитга ташланади. Шундай экан, бузилган матоҳ ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Беш йил аввал бузилган техниканинг масаласи осон эди. Уста чақирсанг, сошлаб қўярди. Ҳозир ҳам шундай қилиш мумкин. Лекин замон ва одамлар ўзгаряпти. Баъзилар бирор буюми бузилиб, янгисини олиш имконияти пайдо бўлганидан ҳатто хурсанд ҳам бўлар экан.

“Компакт дискни тузаттириб ўтирамани, ундан кўра анови янгисини сотиб оламан. У DVD и ва MP3 форматларини ҳам “ўқий” олади”, дейди ёшлар. Улар қўлидаги нарсанинг битта

мурватчаси куйган бўлиши мумкинлиги, тузатиш бир неча центга тушишини билмайди.

Лондоннинг Telewest телекоммуникацион компанияси ўтказ-



ган тадқиқотларга кўра, Буюк Британиядаги ҳар икки хонадоннинг бирида камидан учта маиший электротехника жиҳози чанг босиб ётади. Мамлакатдаги ҳар уч эркакнинг бирида камида тўрттадан шундай “ўйинчоқ” бор.

Ташланган уяли телефонларни қайта ишлаш билан шуғулланувчи Eurosource компаниясининг тадқиқотлари яна ҳам қизиқ. Буюк Британияда жами 80 миллион донга ҳеч кимга керак-сиз, лекин дуппа-дуруст ишлайдиган “трубка” бор экан. Бу “ахлат”нинг баҳоси эса 5 миллиард фунтга (7 миллиард доллар) тенг. Лекин сўровлар натижасига кўра, одамларни бу унчалик ташвишга солмас экан.

Суратдаги ўта замонавий компьютерлар ҳам икки йилдан кейин кераксиз матоҳга айланса, ажаб эмас.



лади. Муҳими шуки, 120 долларга ит билан маълум маънода гаплашиш мумкин бўлади.

Итнинг бўйнига микрофон ва махсус ахборот йиғиладиган консол қўйилади. Бу матоҳ “ит тили”дан тахминан 200 сўз ва жумлани таржима қилиши мумкин. Улар олти категорияга бўлинади: қувонч, хафагарчилик, таҳдид, ғам, талаб ва ўз фикрини ифодалаш. Итнинг эмоциясига қараб, консол экранда одам тушунадиган дара-

Кучли таркибга эга бўлган “Ал-Виҳдат” ўз мухлислари кўз ўнгида чиройли ўйин намойиш қилди. “Пахтакор” ҳам бўш келмади. Шундай эса-да, биринчи бўлимда дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди. Бу вазият мезбонларни қониқтирмаслиги тайин эди.

Иккинчи бўлимда “Ал-Виҳдат” ҳужумга зўр бериб, рақиб дарвозасини икки бор аниқ нишонга олишга муваффақ бўлди. Агар мезбонлар пахтакорчилар дарвозасига яна битта тўп киритса, икки ўйин натижасига кўра, ҳисобни тенглаштириб олиши ва кейинчалик навбатдаги bosқичга чиқиш учун яхшигина имконият вужудга келиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам иорданияликлар ҳужумни янада кучайтиришди. Бироқ бундай вазиятда пахтакорчиларнинг ажойиб

ҳужумчиси Зайниддин Тожиев йўллаган жавоб тўпи рақиб мухлисларига худди устиларидан муздек сув қуйиб юборгандек таъсир кўрсатди. Энди кейинги bosқичга чиқиш учун “Ал-Виҳдат” футболчилари ўзбекистонликлар дарвозасига қамада учта тўп йўллаши лозим эди. Лекин улар бунинг урдасидан чиқишолмади. Мезбонлар фақатгина ўйиннинг охири дақиқасида учинчи тўпни киритишди. Бунгача пахтакорчиларнинг марказий ҳимоячиси Гочкули Гочкулиев майдондан четлатилганди.

Шундай қилиб, “Пахтакор” ва “Ал-Виҳдат”нинг Иорданияда бўлган жавоб учрашувини 1:3 ҳисобида мезбонлар фойдасига ҳал бўлди. Лекин икки учрашув натижасига кўра пахтакорчилар Осиё чемпионлар лигасининг учинчи bosқичга йўлланма олди. Энди “Пахтакор” тўртинчи bosқичга чиқиш учун октябрь ойида Қатар вакилларига қарши иккита ўйин ўтказишди. Кейинги bosқичда “Нефтчи” ҳам мусобақага қўшилади.



**Бу клуб ўз тарихидаги энг яхши даврни бошдан кечирмаётган эса-да, энг бой кунларни ўтказмоқда. Шу ҳафта бошида клубнинг даромади кескин ўсиб кетиб, 32,3 миллион фунтни (тахминан 50 миллион доллар) ташкил этгани эълон қилинди. Ўтган йилги даромад 21,8 миллион фунт бўлганди.**

Клуб эълон қилган баёнотда айтилишича, Премьер-лига билан янги телевизион шартнома тузилгани, Чемпионлар лигасидаги ўйинлар учун ўтказилган маблағлар ҳисобига шундай даромад олинган. Чемпионлар лигасида “МЮ” ярим финалгача етиб борганди-да.

“Савдо-сотиқ”дан ҳам анчагина пул тушган. Яп Стам, Энди Коул ва Дуайт Йорк жами 17,4 миллион фунтга сотилди. Лекин ҳисоботда 30 миллион фунтга “харид қилинган” Луи Фердинанд қайд этилмаган. Чунки у билан шартнома янги молия йилида тузилди.

Бу молия йилида клуб оборотининг 48 фоизи маошга кетди. Умумий ҳисобда йилга ўйинчиларга 70 миллион фунт тўланди. Аввалги йилдагига қараганда бу 40 фоиз кўпроқ.

### «МАНЧЕСТЕР ЮНАЙТЕД» БОЙИМОҚДА



Суратда: бош мураббий Алекс Фергюссон.

**БУЮК БРИТАНИЯ КЛУБЛАРИНИНГ 2002 МОЛИЯ ЙИЛИДАГИ ДАРОМАДИ ВА КАМОМАДИ:**

- “МЮ” – 32,3 миллион фунт.
- “Саутгемптон” – 3,3 миллион фунт.
- “Тоттенхем” – 0,9 миллион фунт.
- “Астон вилла” – 0,4 миллион фунт камомад.
- “Селтик” – 2,9 миллион фунт.
- “Манчестер сити” – 13,9 миллион фунт.
- “Лидс” – 28,2 миллион фунт.
- “Глазго реинжерс” – 35,3 миллион фунт камомад.

### ФИФА: ҚЎПОЛ ЎЙИНЧИГА ШАФҚАТ ЙЎҚ!

**Халқаро футбол уюшмалари федерацияси – ФИФА ўйин давомида ҳакам томонидан майдондан четлатилган футболчига нисбатан жиддий чора кўрадиган бўлди.**

Бундан буён ўйинда қизил карточка олиб, майдонни тарк этган ўйинчи ҳакам қабул қилган қарорни апелляцияга бермайди ва ўз-ўзидан кейинги учрашувда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, яқингинада эълон қилинган мазкур қарор Буюк Британия футболлида катта ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкин. Чунки туманли альбионда майдондан ҳайдалган футболчи икки ҳафта давомида ҳакам қарорига нисбатан норозилик билдириб, уни апелляцияга бериш ҳуқуқига эга эди. Футбол оламида футболчилар ҳатто видеотасвир ёрдамида масалани ўз фойдаларига ҳал этилишига эришишгани ҳам кўп кузатилган.

# K R O S S W O R D

**Энига:** 1. Қадимда жамиятнинг юқори табақасига мансуб киши. 4. Маданий муассаса. 7. Кўчманчи қуш. 10. Қийматли қоғоз. 11. Аёл исми. 12. Парранда. 13. Босма нашрнинг ҳар бир донаси. 15. Ўғил бола исми. 16. Юза бирлигига тўғри келадиган куч. 18. Серилдиз гиёҳ. 20. Аравада юк ташиш мосламаси. 22. Араб алифбосидаги ҳарф. 23. Тиниш белгиси. 24. Ёқилғи тури. 25. Ёғингарчилик. 27. Қуршов ҳолати. 29. Мўйнали жонивор. 30. Э. Воҳидов қасидаси. 32. Теварак муҳит. 34. Халқ оғзаки ижоди тури. 36. Тожикистондаги Турсунзода шахрининг аввалги номи. 38. Мухтарам зот. 39. Мусиқа ёзуви. 40. Танаси қаттиқ дарахт. 41. Ҳисоб илмида тенгламани ҳосил қилувчи сонларнинг ҳар бири. 43. Мавжуд вазият. 45. Сунъий тола тури. 46. Нил дарёси бўйидаги шаҳар. 48. Шамсий йил ҳисобидидаги ой. 50. Пазандалик анжومي. 52. Ёнғичи газ. 54. Қотирилган гўшт. 55. Чўлпон шеъри. 56. Судралиб юривчи жонивор. 57. Азиз неъмат. 59. Узунлик ўлчови бирлиги. 61. Кўкат. 62. Италиялик таниқли футболчи. 64. Ўсимликнинг игнасимон аъзоси. 66. Байрамолди кўни. 68. Кучли шовқин. 70. Бойлик эгаси. 72. Атокли ўзбек бастакори ва дирижёри. 73. Хабар етказиш техникаси. 74. Миллий таом. 75. Шиша идиш.

**Бўйига:** 1. Спорт соврини. 2. Ҳиндистондаги шаҳарга номдош газлама. 3. Дурдгөрлик асбоби. 4. Заранг. 5. Олтин. 6. Кўча қисми. 7. Чехияда ишлаб чиқарилган автомобиль маркаси. 8. Асарга ёзилган мухтасар баён. 9. Орасталлик маҳсулотлари савдогари. 14. Ип-газлама. 16. Ер ости сув манбаи. 17. Сўз кўрки. 18. Қизил тусли мато. 19. Шарқ ижодида хос шеър тури. 20. Қишки спорт анжومي. 21. Тансиқ таом. 26. Металлга босим билан ишлов берувчи қурилма. 28. Почта харажати тўлови қоғози. 31. Ўзбек халқ мақоми. 32. Масофадан туриб амалга ошириладиган муносабат. 33. Беллашувнинг сўнги босқичи. 34. Автомобиль қисми. 35. Жануб хўл меваси. 36. Мулк ёки ердан эгасига келувчи даромад. 37. Инерт газ. 42. Сўз, ибора. 44. Давлат бошлиғи томонидан тайинландиган бирор соҳанинг раҳбари. 47. Улуғ диёр. 48. Механиканинг муҳим хоссаларидан бири, инерциянинг хусусиятини англатувчи микдор. 49. Мусиқа асбобини чалиш мосламаси. 50. Кашандаликнинг қадимий анжومي. 51. Йилнинг энг иссиқ ёки энг совуқ даври. 52. Мусиқий овоз тури. 53. Франциядаги шаҳар, маъмурий марказ. 58. Қурилиш ашёси. 60. Ширинлик тури. 63. Аёллар кўйлаги. 64. Кўп ишлатиладиган металл. 65. Камёб нарса. 66. Қўрилаётган иш бўйича суд ҳукми. 67. Отанинг акаси ёки укаси, жиянларига нисбатан. 68. Абдулла Қаҳҳор романи. 69. Спортда улоқтириш анжومي. 71. Галла.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

1	2	3	4	5	6	7	8	9
10					11			
12			13	14		15		
16		17	18		19	20		21
22		23		24			25	
27	28		29			30	31	
32		33	34		35	36		37
38		39		40			41	
43	44		45		42			
48		49	50		51	52		53
54		55		56			57	
59	60		61			62	63	
64		65	66		67	68		69
70				71	72			
73			74			75		

## ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Газетамизнинг 26 сентябрь 39-сонидида эълон қилинган "Мукофотли кроссворд" жавобларини таҳририятимизга йўллаган газетхонлар бу сафар ҳам жуда кўпчилиكنи ташкил этди. Аммо аксар муштарийларимиз кроссвордни ечиш ва таҳририятга юбориш шартларини тўлиқ бажаришмаган. Шу боис, биз ўтган галги ва бундан кейинги мукофот белгиланган кроссворд-сканвордларимизга қўйиладиган асосий шартларни яна бир бор такрорлашимизга тўғри келади.

— Кроссворд (сканворд)нинг катаклари тўғри жавоблар билан тўлиқ тўлдирилиши ва шундан сўнггина калит сўзлар белгиланган катакларга ёзиб чиқилиши шарт (Аксар ҳолларда газетхонлар кроссвордни тўлиқ ечмасдан, фақат калит сўзларни ёзиб юборишмоқда).

— Мукофотли кроссворд (сканворд) жавобларини тўғри ечган ва энг биринчи бўлиб таҳририятга етказган муштарий голиб ҳисобланади.

— Ксеронусха ва факс орқали юборилган жавоблар қабул қилинмайди.

Газетамизнинг 26 сентябрь куни чиққан 39-сонидидаги кроссвордни эса биринчи бўлиб тўғри бажариб, таҳририятга юборган Фарғона вилояти ИИБ ЖК ва ТҚКБ тезкор вакили, милиция майори Гулчеҳра РАҲМОНОВА голиб деб топилди ва 5000 сўмлик мукофот соҳиби бўлди. Голибни чин дилдан табриклаймиз! Кейинги сонларимизда бериладиган мукофотлар сизга ҳам насиб этишини хоҳлаймиз.

ГАЗЕТАМИЗГА  
ОБУНА БЎЛИНГ ВА УНИ  
КУЗАТИБ БОРИНГ.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ 39-СОНИДА ЭЪЛОН  
ҚИЛИНГАН ЖАДВАЛЛИ  
КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

**Энига:** Барака. Аён. Радиатор. Гамма. Ва. Аср. Ироқи. Баобаба. Дания. Иқлим. Ол. Оқ. "Аёл". Балли. Кашалот. Оми. Аршин. Ипак. Тарту. Алёр. До. Занг. Тинч. Қибла. Ўн. "Ан". Сулаймон. Нам. Миллат. Омина. Нил. Роман. Жўва. Мовий. Малина. Тез. Ажам. Табассум. Ёр. Шоир. Кумурска.

**Бўйига:** Фидокор. Канор. Ёз. Рақам. Динамометр. Аргон. Шитоб. Мимоза. Ақиқа. Ля. Нав. Армия. Ларза. Манила. Кам. Аорта. Адабиётшунослик. Ясир. Ақл. Ул. Завол. Она. Ўлан. Момик. Табиб. Натижа. Амалиёт. Лўла. Араб. Призма. Виждон. Олма. Кана. "Нурали". Куч. Амири.

МУАММОНОМА

Дўст - дўстга қувват. (Ҳикмат).

# Ehtirof

2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили

МАХСУС  
САҲИФА

**Ички ишлар идораларининг машаққатли хизматиға ўз умрини бахшида қилган инсонлар ора-мизда кўпчиликни ташкил қилади. Ана шундай ҳамкасбларимиздан бири – ички хизмат полковниги Анатолий Владимирович Шуваевдир.**

## УСТОЗ

Анатолий болалигидаёқ тенгқурлари орасида тиришқоқ, зийрак ва илм-фанга қизиқувчи бўлиб ўсди. Шу боис ҳам ҳарбий хизматни битириб, Москвадаги Ёнгиндан сақлаш олий муҳандислик техника мактабига ўқишга кирди. У ўқиш давомида билим сирларини қунт билан ўрганди.

Ўқишни битириб

қайтгач, вилоят ёнгиндан сақлаш хизматини такомиллаштириш йўлида билим ва тажрибаларини аямай меҳнат қилди. У ўз касбига сидқидиллик билан ёндашиб, вазифаларни виждонан адо этарди. Унинг ҳаракатчанлиги раҳбарият назаридан четда қолмади. 1976 йилда Анатолий Владимировични Хоразм вилояти ИИБ

ёнгиндан сақлаш бўлимига раҳбар этиб ташинлашди.

Вилоятда ёнгиндан сақлаш хавфсизлигини таъминлаш борасида изланди, кўнгилсиз ҳодисалар юз бериши мумкин бўлган иллатларини ўрганди, уларнинг олдини олиш борасида бир қатор тадбирлар ишлаб чиқди. Зарурий техника воситалари, ёрдамчи шо-

хобчаларнинг қурилишига бош-қош бўлди. Анатолий Владимирович умрининг йигирма йилини ёнгиндан сақлаш хизмати раҳбарлигига бағишлаб, ўз фаолияти давомида раҳбарлик салоҳиятини ва ташкилотчилик қобилиятларини тўлалигича намоён эта олди. Йиллар давомида кўплаб шогирдларни тарбиялади. Албат-

та, сидқидилдан қилинган меҳнат ҳеч қачон зое кетмайди. Анатолий Владимировичнинг кўп йиллик самарали хизматлари муносиб тақдирланди. Камтарин инсон, етук раҳбар иш фаолияти давомида ички хизмат лейтенант-лигидан полковник унвонигача бўлган гоёт машаққатли йўлни шараф билан босиб ўтди.

Айни кунларда Анатолий Владимирович пенсияга чиқиб, қариллик гаштини сурмоқда. У турмуш ўртоғи Люба опа билан биргаликда 3 нафар фарзандни вояга етказган. Фарзандларидан Владимир отаси изидан бориб ички ишлар бошқармасида хизмат қилмоқда, ички хизмат капитани.

А. Шуваевнинг меҳнат фаолияти кўпчиликка ибрат бўлса ар-

зийди. Унинг издошлари, шогирдлари устознинг муносиб ворислари сифатида ёнгинга қарши курашдек машаққатли фаолиятни ҳормай-толмай давом эттиришяпти. Чунончи, Одилбек Изимбетов мардлик намуналарини кўрсатганлиги учун "Жасорат" медали билан, И. Матякубов, О. Тожиев, Ў. Каримов, Р. Тангишев, И. Абдукаримов, М. Шерназаровлар "Ёнгиндан сақлаш хизмати аълочилиси" кўкрак нишони билан тақдирланганлар. Бир сўз билан айтганда, шогирдлар ўз бурчига содиқ турган ҳолда сидқидилдан хизмат қилиб, устозлари Анатолий Шуваевнинг йўлини давом эттирмоқдалар.

**И. ЮСУПОВ,**  
истеъфодаги милиция майори.

Узоқ йилга озодликдан маҳрум этилган жиноятчи суд залидан ташқарига чиқар экан, уни кўриклаб бораётган милиция старшинаси Собиржон Курёзовга ялина бошлади:

– Сиздан илтимос, хотиним билан хайрлашиб олсам. Уни бир зумгина бағримга боссам армоним йўқ эди...

Собиржон ялиниб-ёлвораётган жиноятчига раҳми келдими, "майли, фақат тезроқ", дея рухсат берди.

Жиноятчи хотинини шошилибгина бағрига босдида, ўпишиб хайрлашди. Уларнинг бир оғиз ҳам гаплашишмагани Собиржонда шубҳа уйғотди. Курёзов йўл-йўлакай жиноятчини суҳбатга тортди. Негадир у оғзида бирор нарса бордек чайнаиб гапирар, аввалгидек кўпол, шарттаки муомала қилмасди. С. Курёзов кутилмаганда ундан оғзидаги нарсани ташлашни талаб қилди. Хушёр милиционер янглишмаган эди. Жиноятчи оғзида хотини ўпишиш вақтида ўтказган гиёҳвандлик моддасини олиб кетаётганди. Собиржон аканинг, ҳаётида бундай воқеалар кўп бўлган.

... Урушдан кейинги оғир йиллар. Беш йил хизматда бўлиб қайтган Собиржон ҳарбийлар ҳаётига ўрганиб қолганди. Шу боис у Тошкентга келди ва милиция хизматиға кириш учун мурожаат қилди. Ҳарбийдан қайтган бу йигитнинг фикран теранлиги, жисмонан бақувватлиги бошлиқларга маъқул тушди. Собиржон Тошкент шаҳар Киров (ҳозирги Юнусов) тумани ИИБда оддий милиционер вазифасида ишлаб бошлади. Орадан кўп ўтмай милиция кичик сержанти унвонига сазовор бўлган Собиржон Курёзов халқ осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашда ҳамкасбларига ўрнак бўла бошлади. Айниқса, шаҳардаги озик-овқат

дўконларида содир бўлаётган ўғирликларни фош этиш ва уюшган гуруҳни қўлга олишда фаол иштирок этди.

Милиция сержанти Собиржон Курёзов 1954 йил Хоразмга қайтиб, Хонқа тумани ИИБда хизматни давом эттирди.

– Мен милиция подполковниклари Э. Матназаров, Р. Раҳмонқулиев, милиция полковниги Ш. Ортиқов сингари тажрибали раҳбарлар билан ишладим, – дея ҳикоя қилади Собиржон ака. – Уларнинг хушмуомалалиги, уздабуронлигига жуда ҳавасим келарди. Ҳатто бошлигимиз Рашид Раҳмонқулиевнинг одамхунлиги, самимийлиги учун ўғлим ҳам шундай инсонга ўхшасин, деган ниятда унга Рашид дея исм қўйдим...

Эллигинчи йиллар. Хонқа

тумани ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Рашид Раҳмонқулиев қишлоқни отда айланаётиб терговдан қочиб юрган жиноятчига рўбарў келиб қолади. У дарҳол жиноятчига ташлаиб, уни қўлга олмоқчи бўлади. От эса олишувдан ҳуркиб, ўзи ўрганган ички ишлар бўлими томон чопиб кетади. Отнинг бошлиқсиз қайтганини кўрган милиция катта сержанти Собиржон Курёзов жониворнинг безовталанаётганини сезиб, эгарга ўтиради. От уни тўғри жиноятчи билан олишаётган Рашид Раҳмонқулиевнинг ёнига олиб келади. Жиноятчи зудлик билан қўлга олинади.

Милиция старшинаси Собиржон Курёзов Ҳазорасп тумани ИИБ жамоат тартибининг сақлаш, кўриқлаш бўлимида ҳам узоқ йиллар

самарали меҳнат қилди. Милиция катта сержантлари О. Давлетов, Б. Холиқов, милиция капитани Ф. Тожиев, милиция майори Э. Қутлимуратов каби ўнлаб шогирдларини тарбиялади. Тақдирни қарангки, Собиржон ака иккинчи ўғли Шавкат билан уч йил бир бўлинмада хизмат қилди. Собиржон ака 35 йил, Шавкат эса 20 йилдан зиёд халқ осойишталигини сақлашдек шарафли ишда ҳалол, сидқидилдан меҳнат қилишди. Айни кунда Собиржон аканинг яна бир ўғли — Мақсуд Курёзов ота изидан бориб, Ҳазорасп тумани ИИБ ҳузурдаги "Кўриқлаш" бўлинмасида ишляпти. Қизлари Ойжон, Гулнора ҳамда Сайёралар турли касб эгалари. Катта ўғил Комилжон ака ҳамда келинлари ёш ав-

лодга таълим-тарбия беришмоқда. Халқ хизматида юрган Собиржон аканинг фарзандларини тарбиялаб, вояга етказишда унинг турмуш ўртоғи Олтин аянинг хизматлари бениҳоя каттадир.

– Ўша воқеа ҳамон эсимдан чиқмайди, – дейди Собиржон аканинг шогирди, истеъфодаги милиция катта сержанти О. Давлетов. – Туманда "Арсенал" тадбири ўтказилаётганди. Бизни Қорақум этаклариға юборишди. Кўл бўйига яқинлашганимизда кетма-кет ўқ овози эшитилди. Биз ўша томонга югурдик. Атроф пахтазор. Ҳамма пахта йиғимтерими билан банд. Собиржон ака пахта тераётган эркакларни дала бошига йиғиб, қўлларини олдинга узатишларини илтимос қилди ва бирма-бир қўлга чиқди. "Буларнинг қўлларидан порохнинг ҳиди келмаяпти. Ўқ отган киши қўлда", деди ва ўзини янтоқлар орасига урди. Буни кўриб саросимага тушган қонунбузар қўлнинг нариги томонига қараб қоча бошлади. Мен қўлни айланиб ўтиб, унга пешвоз чиқдим. Шу тариқа ноқонуний равишда ов билан шуғулланаётган кимсани қўлга олдик. Устознинг бундай хушёрлиги, синчковлиги доимо шогирдларига ибрат бўлиб келган.

Богот туманидаги Қизилротов қишлоғида истиқомат қилаётган, етмиш олти ёшни қаршилаган Собиржон ака ҳали тетик. У Олтин ая билан маҳаллада бўлаётган тўйю томошаларга бош-қош...

Милиция аълочилиси, бир неча медаллар соҳиби Собиржон ака Курёзов билан суҳбатлашар эканмиз, одамлар қалбида илк таассурот қолдирган ажойиб инсоннинг сермазмун умри беҳуда ўтмаганлигига амин бўлдик.

**Х. ЖАББОРОВ.**

Суратда: истеъфодаги милиция старшинаси Собиржон Курёзов оила аъзолари даврасида.

Жумабой ҚОЗОҚ  
олган сурат.

«Милиция оқсоқоллари» танловиға

## ЭЛ ИШИГА БАХШИДА УМР



# «УЗИ» – ИСРОИЛ «КАЛАШНИКОВ»И

**Исроилнинг халқаро рамзлари рўйхати тузилса биринчи ўринлардан бирини, шубҳасиз “Узи” автомати эгаллаган бўларди.**

**Ўзида тўппонча ва автомат афзалликларини мужассам этган бир қарашда ўйинчоққа ўхшаб кетадиган бу қурол ишончли эканлиги билан обрў қозонди.**

Автоматга уни яратган инсоннинг номи берилган. Кўпгина машҳур тўппончалар ва автоматларга уларни кашф этган инсонларнинг исм-шарифлари қайд этилган. “Браунинг”, “Шмайсер”, “Калашников”лар шулар жумласидандир.

Исроил армияси капитани Узиэль Галда янги қурол яратиш ғояси Ватан мустақиллиги учун олиб борилган дастлабки урушда иштирок этганидан сўнг туғилди. У кашф этган автомат ўша даврларда энди шаклланаётган Исроил армияси (ЦАХАЛ) учун энг мақбул қурол бўлди. Ўлчамларнинг кичиклиги, ўқ

отиш кучи ва мўлжални аниқ ола билиши ушбу автоматик қуролнинг алоҳида хусусиятидир. Ундан бир қўлда, яқин масофадаги жангда ҳам самарали фойдаланиш мумкин.

Капитан Узи Галь ўз ихтироси учун Бош штаб бошлиғи Моше Даян томонидан махсус мукофотга сазовор бўлди ва катта бўлмаган миқдорда 1000 лира (ўша пайтларда Исроилнинг пул

бирлиги – шекель ҳали муомалага киритилмаган эди) пул билан тақдирланди. Бир оз вақт ўтиб “Узи” автоматига хорижий давлатлар ҳам қизиқиб қолишди.

1986 йилда ихтирочи Узи Галь автоматнинг янги – “Узи-201” турини яратди. 50-йилларнинг бошида Исроил армияси капитани Узиэль Галь ўз тўппонча-пулемётини яратаётганда жаҳоннинг барча бурчакларига тарқалишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. 1954 йили парабеллумнинг 9x19 ўқига мўлжалланган



тўппонча пулемёт “УЗИ” номи билан Исроил армияси қуроли деб қабул қилинди.

“УЗИ” конструкцияси мукамал деб топилгани учун унинг асосида бир қатор бошқа қуроллар яратилган: стволи 410 ммга узайтирилган UZI Carbine, энгиллаштирилган mini-UZI ва mini-UZI Carbine, кичик ўлчамли тўппонча-пулемёт micro-UZI, ва ниҳоят, micro-UZIning кўндоксиз ўзи ўқландиган варианты UZI pistol шулар жумласидандир. Барча модификациялар жаҳондаги кўпгина давлатлар армиялари ва махсус хизматларга қуролланиш учун берилган.

Исроил тўппонча-пулемётининг шу даражада кенг тарқалишига унинг қурол-яроғ бозорига пневматик вариантда чиқарилиши сабаб бўлди. 4,5 калибр-

ли, ўқдонига йигирмта ўқ сиғадиган газ баллонли UZI – пневматик қурол ишлаб чиқаришда жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Crosman фирмаси мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган. Қурол-яроғ ҳақидаги қонунларнинг мукамал бўлмаганлигидан фойдаланган фирма одатдаги пневматик милтиқларга қўшимча равишда жаҳонда танилган тўппончалар, револьверлар ва тўппонча-пулемётларнинг газ баллонлар ёрдамида кичик шарчалар отадиган аниқ ўлчамли нусхаларини ишлаб чиқара бошлади.

Мустақил ишлаб чиқарилаётган қурол доимо Исроил давлатининг миллий гурури бўлиб келган. Мамлакатда қурол яратилиши тарихи ҳамкорлик, кейинчалик эса конструкторлар Узи Галь ва Исраэль Балашниковларнинг рақобати натижасидир.

Аввалига янги автоматни УМИ (Узи – Исроил давлати сўзларининг иврит тилидаги бош ҳарфлари) деб номламоқчи бўлишган. Лекин ўша даврда бош штаб бошлиғи Игал Ядин қуролни фақат конструктор исми билан номлаш ҳақида қарор чиқаради.

Исроил армиясининг қуролга бўлган талабни қондириш учун АҚШдан 30 мм. калибрли “Жонсон” автомати ишлаб чиқаришга лицензия сотиб олинди. Лекин ЦАХАЛнинг қурол-яроғ омборларида бошқа калибрли ўқдорилар йиғилиб қолган эди. Шунинг учун ҳарбий саноат олдига худди шу автоматнинг бошқа калибрли нусхасини ишлаб чиқариш вазифаси қўйилди. Бунинг учун технологияни



бир оз ўзгартириш лозим эди. Шундай қилиб Исроилнинг “Дрор” автомати яратилади.

Аммо уни ишлаб чиқариш

риш ҳажмлари етарли даражада эмас эди. 1948 йили Исроилда мустақиллик йўлидаги уруш номини олган биринчи араб-исроил уруши ниҳоясига етгач ЦАХАЛ бир қанча қурол турлари билан қуролланганди. “Дрор”, Австриянинг “Маузер” карабини, немисларнинг қадимий “Шмайсер”и ва бошқалар шулар жумласидандир. Ўша кезлари армияни бир турдаги қурол билан таъминлаш зарурати туғилди. Шу боис турли хилдаги эски автоматлар ўрнига мустақил ишлаб чиқарилган янги қурол керак эди.

Капитан Узи Галь янги турдаги қуролни яратиш вақти келганлигини мустақиллик учун урушда иштирок этганидан сўнг ан-

Лекин ўйлаганимиздек қийинчиликларга дуч келинмади. Биринчи синовларнинг ўзиёқ, “Узи” автомати ёш Исроил армияси учун энг қулай қурол эканлигини кўрсатди. Унинг ўлчамлари кичик, ўқ отиш даражаси эса юқори. “Узи”дан бир қўлда ушлаб туриб, тунда ва яқин масофадаги жангда самарали фойдаланиш мумкин. У қўлмакка ёки лойга тушиб кетса ҳам жангчини душманлардан ҳимоя қила олиш

Германия автоматларнинг катта партиясини сотиб олди. Вақт ўтиши билан Осиё, Африка давлатлари, шунингдек Америка буюртма бера бошлади.

Капитан Узи Галь яна уч марта араб-исроил урушларида иштирок этди.

1975 йили эса у ва рафиқаси АҚШга эмиграция қилинди.

Узи Галь журналистлар билан мулоқот қилишни ёқтирмасди. Фақат 1993 йилга келиб “Гаарец” газетасига интервью беришга рози бўлди. Шунда “Қуролни яратишда асосий нарса нима?” деган саволга шундай деб жавоб берди:

– Браунингга ҳам худди шундай савол билан мурожаат этишганида у: Қурол яратиш – тўқилган тер денгиздаги бир томчи истеъдод, деган. Бундан хулоса шуки, асосийси машаққатли меҳнатдир.

2002 йил сентябрь ойининг бошларида “Узи” тўппонча-автоматини яратган инсон Узиэль Галь вафот этди. Умрининг сўнгги йилларида у одамларни ўлдирмай, жароҳатетказмай фақат тажовузни тўхтатишга хизмат қиладиган қурол ҳақида бош қотираётган эди...

Хориж материаллари асосида тайёрланди.

## ЭНГ ҚУЛАЙ ҚУРОЛ



лади. У бу ҳақда шундай дейди:

– Вақт бизнинг фойдамизга ўтиб борар эди. Иккинчи жаҳон уруши эндигина тамом бўлган, жаҳондаги асосий қурол-яроғ ишлаб чиқарувчи корхоналар вақтинча ишламаётган пайтлар. Худудимизда эса жанглар авжига чиққан. Давлатимиз энди шаклланган ва таваккал иш тутишга тайёр эдик.

қобилиятига эга.

Янги автоматнинг илк нусхаси 1953 йилнинг май ойида “Таасия цвайт” мудофаа концернининг конвейеридан чиқди. Қурол жуда жўн ташвиқот қилинган бўлиб, кашфиётчи ҳақида қуйидагилар ёзилган эди: “Узи – исроиллик йигитнинг исми. Унинг ёши ўттизда. Кўзлари доимо қулиб туради, елкаси кенг ва қадам ташлаши енгил”.

Голландия давлати “Узи” автоматига биринчилардан бўлиб катта миқдорда буюртма берди. Шундан сўнг Венгрия, Австрия ва

### БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН


**Жалолқудук тумани ИИБ томонидан қуйидаги фуқаролар бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда.**



**Қахрамон Жумабоевич ИБРАГИМОВ.** 1969 йилда туғилган. Жалолқудук тумани Т. Тошматов номли жамоа хўжалигида яшаган.



**Ҳамроҳон Мураталиевна ЮНУСАЛИЕВА.** 1970 йилда туғилган. Жалолқудук тумани Ойим қишлоғи Андижон кўчаси 45-уйда яшаган.



**Худойназар ҚОРАБОЕВ.** 1912 йилда туғилган. Жалолқудук тумани Ҳақиқат жамоа хўжалигида яшаган.



**Алишер Бахтиёржонович ИСМОИЛОВ.** 1988 йилда туғилган. Жалолқудук тумани Охунбобоев шаҳарчаси У. Юсупов кўчаси 26-уйда яшаган.



**Жавлонбек Ҳайитбоевич БЕРДИҚУЛОВ.** 1987 йилда туғилган. Жалолқудук тумани А. Темир номли жамоа хўжалигида яшаган.

**Юқорида номлари зикр этилган фуқароларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.**



Жиноятга жазо муқаррар

# ЎЗ ДЎСТИНИНГ ҚОТИЛИ

**Денов туманидаги Ўрта қишлоғида туғилиб, вояга етган Қудрат Кухнаровнинг кўнгли пойтахтда яшашни тусаб қолди. Ким нима дерди, ихтиёр ўзида. Тошкентга келгач, қараса сўлим хиёбонлар, театрлару кинохоналар, ресторанлар сероб. Маза қилиб сайр этса, томошалар кўрса, шоҳона зиёфатларда бўлса жоннинг роҳати. Аммо бунинг учун пул керак. Зеро, пулсиз сайр-томоша ҳам, базму жамшид ҳам, зиёфатлар ҳам йўқ.**

Аммо Қудратнинг бунга қудрати етмади. Енгил-елпи яшаш, осон пул топишни хомхаёл қилди. Саёқ юрди, безориларга кўшилди. Натижада Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани суди томонидан

гаҳон Султон Абдуллаев билан танишиб қолди. Улар бора-бора дўстлашиб кетишди.

Кунлардан бир кун тушлик пайтида Қудрат Чорсу бозорида овқатланди. Соат 15.00

сола ишга жўнади. Ўша кун эри ҳам, унинг хиёнаткор дўсти — Қудрат ҳам келмади.

Эртасига эса уйлариға милиция ходимлари келиб, кимдир эри Султонни ўлдириб, уйини ёқиб кетишганини айтишди...

Висола тезда Чуқурсойдаги воқеа рўй берган уйига борди. Қараса, эри чавақланган ҳолда ўлиб ётибди. Иккита гилам, қандил ва чинни идишлар йўқ.

Хўш, бу ваҳшиёна қотилликни ким қилди? Султонни чавақлаб ўлдириб, уйини ёқиб юбориш нечун керак бўлди? Бу жиноятни марҳумнинг таниш-билишлари қилганми, ё бутунлай ёт кимсаларми?

Милиция ходимларининг

ўтгач, 11-уй олдига ўт ўчириш машиналари етиб келди. Кейин билсам Султонни ўлдириб, уйини ёқиб кетишган экан.

Гувоҳлар тергов жараёнида Қудратни таниб, аниқ кўргазмалар беришди.

Ўрганилган ҳолат, аниқланган далиллар марҳумни ўз дўсти Қудрат Кухнаров ўлдирилганидан далолат берарди. Буни Қудратнинг ўзи ҳам тан олиб, шундай деди:


— Султоннинг Чуқурсойдаги уйига борсам, у икки киши билан ичиб ўтирган экан. Мен ҳам даврага кўшилдим. Тахминан соат 21.00 ларда меҳмонлар кетишди. Султон тагин ичкилик ичмоқчи эканлигини айтди. Мен унга 500 сўм бердим. У икки шиша вино олиб келди. Шисаларни бирга бўшатдик. Орадан бир соатча вақт ўтгач, уйда бир бегона аёл пайдо бўлди. Мен у билан савдолашиб висолига етдим. Ваннахонада ювиниб чиқсам, Султон мени уйдан ҳайдади. Лоақал эрталабгача ётиб қолай, десам кўнмади. Пичоқ ўқталиб, ҳақорат қилди. Шартта Султоннинг кўлини қайирдим, пичоқни олиб, бўйнига бир-икки санчим. Султон ўлди. Уни бир четга ётқизиб, устини кийим-кечаклар билан ёпиб қўйдим. Пичоқни эса ваннанинг тагига улоқтирдим-да, қон бўлган уст-бошимни ювдим. Кейин ошхонага чиқиб ухладим. Эртасига эрталаб хонадаги тартибсизликлару мурдани кўриб ваҳимага тушдим. Қилиб қўйган ишимнинг оқибатидан кўрққанымдан тезда Сурхондарёга жўнадим.

Қудрат Кухнаров қотиллигини тан олса-да, жазодан кўрқиб, ҳақиқатни яширди. Аслида воқеа мана бундай бўлган эди:

Ўша кун икки дўст маст бўлиб қолиб ўрталарида низо келиб чиқади. Бу Қудрат учун айни муддао эди. У ошхона пичоғини олиб, қаттиқ маст ҳолатдаги дўстининг бўйнига бир неча бор санчиб ўлдирди. Шундан сўнг асосий мақсадини амалга ошира бошлайди. Уйдаги икки дона гилам, 98.000 сўмлик қандил идишлар, 41.000 сўмлик чинни идишларни олиб “қуён” бўлади. Аммо жиноятнинг очилиб қолишидан кўрқиб, эртасига марҳумнинг жасади ётган уйни ёқиб кетади.

Қудрат Кухнаров чучварани хом санаган эди. Ўз касби сир-асрорларини пухта эгаллаган ва ҳамшиша хушёр милиция ходимлари унинг барча қилмишларини фош этиб, суднинг қора курсисига ўтказишга эришдилар. У 20 йилга озодликдан маҳрум этилди.

М. КАЛОНХОН.



беш йилга озодликдан маҳрум этилди. Кейинроқ Тошкент шаҳар судининг ажримига кўра бу жазо муддати уч йилга туширилди. Орадан қарийб бир йил ўтгач эса Қарши шаҳар судининг ажримига биноан бир йилга 7 ойга ахлоқ тузатиш ишларига 30 фоиз иш ҳақидан ушлаш шарт билан келтирилиб, у озод этилди. Кўриниб турибдики, Қудрат Кухнаровга ҳар томонлама инсонпарварлик кўрсатилиб, унга берилган жазо ҳам қисқартирилди, ҳам енгиллатилди. Бироқ Қудрат бундан тўғри хулоса чиқармади. Тагин жиноятга қўл урди. Бу гал у одам ўлдириб, қотил деган ном олди.

Безорилиги туфайли суд томонидан берилган жазони ўтаб қайтган Қудрат Кухнаров Тошкент метросининг “Беруний” бекати ёнида жойлашган автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчасида майда-чуйдалар сотиб юрган эди. Но-

ларда ювиниб, соқолини олиш мақсадида Султоннинг қайнонасига қарашли уйга кириб борди. У ерда дўстининг турмуш ўртоғи Висола қарши олди:

— Келинг Қудратжон! Султон акам қанилар? — сўради у.

— Нима, Султон бу ерга келмадимиз?

— Йўқ! Негадир хавотир оляпман.

Қудрат бепарвогина ёнидан бир даста 500 сўмликларни олиб, Висолага кўз-кўз қиларкан:

— Юргандир-да, бирор жон билан. Висола, мен мана бу пулларга бозордан харажат қилиб келаман. Икковимиз бир маишат қилайлик, — деди.

У шундай деб аёлнинг ёқасидан ушлаб, ўзига тортди. Аммо Висола уни итариб юборди. Сўнг ташқарига чиқариб, эшикни ёпиб олди. Хайрият, Қудрат уни бошқа безовта қилмай, жуфтакни ростлади. Бир оздан кейин Ви-

олдида ана шу саволларга жавоб топиш вазифаси турарди. Дастлаб марҳумнинг умр йўлдоши, таниш-билишлари сўроқ қилинди. Гумондорлар бор-йўқлиги аниқланди. Қўни-қўшнилари сўраб-суриштирилди.

Чуқурсой кўчасидаги 14-уй, 10-хонадонда яшовчи Клара Шайхулина шундай кўрсатма берди:

— Ўша кун тахминан соат 12.00ларда Султонни уйи олдида бир нотаниш йигит билан кўргандим. Йигитнинг эғнида сариқ спорт костюми бўлиб, уни илгари Султоннинг ўзи кийиб юрар эди. Эртасига уни ўлдириб кетишибди, деб эшитдим...

— Қотиллик рўй берган кун эрталаб соат 7.00 ларда кўшним Султон яшайдиган уйнинг томорқасидан бир йигит қўлида пакет ушлаб чиқиб кетаётганини кўриб қолдим. Унинг эғнида кулранг костюм-шим бор эди. Бир оз вақт

Жалолқудуқ тумани ИИБ томонидан қуйидаги шахслар жиноят содир этиб, терговдан қочиб юрганлиги учун ҚИДИРИЛМОҚДА




Мамиржон Комилжонович АҲМАТҚУЛОВ. 1971 йилда туғилган. Жалолқудуқ тумани Охунбобоев шаҳарчаси Намуна кўча 136-уйда яшаган.



Шавкат Кимсанбоевич ЧЎТБОЕВ. 1941 йилда туғилган. Жалолқудуқ тумани Охунбобоев шаҳарчаси Араббоев кўчаси 7-уйда яшаган.



Султон Маматхалилович КАМОЛОВ. 1969 йилда туғилган. Жалолқудуқ тумани Ойим қишлоғи Андижон кўчаси 116-уйда яшаган.



Жамолiddин Мелибоевич ХОЛМИРЗАЕВ. 1958 йилда туғилган. Жанубий Оламушук ишчилар шаҳарчаси Иттифоқ кўчаси 5-уйда яшаган.



Бахритдин Баҳодирович АБЛИЕВ. 1976 йилда туғилган. Жанубий Оламушук ишчилар шаҳарчаси Гагарин кўчаси 57-уйда яшаган.



Мирзахамро Боймирзаевич БЕКМИРЗАЕВ. 1968 йилда туғилган. Жалолқудуқ тумани Ойим қишлоғи Андижон кўчаси 48-уйда яшаган.

Юқориди номлари зикр этилган шахсларни кўрган ёки қардаллигини билганлардан Жалолқудуқ тумани ИИБ ёки яқин орадаги милиция идорасига хабар қилишларини сўраймиз.



## Тўйхат ўрнида КАСБИДАН БАХТ ТОПГАН

“сендан яхши ҳуқуқшунос чиқади”, дея рағбатлантиришларидан кўнгли тоғдек кўтарилиб, ҳуқуқтартибот тизимида хизмат қилишга аҳд қилган қиз учун бу гап оғир ботмади. Уни ҳазил билан енгилганга интилки: “Онажон, мен фақат аёллар билан ишлайман...”

Йиллар ортидан йиллар ўтди. Санам ая қизининг машаққатли касбига кўникди. “Болам, доим ҳақиқатни ёқлагин. Ҳар бир сатр ортида инсон тургани, бир қалам уриш билан унинг тақдирини ҳал қилишингни унутмагин. Ўша, сен савол-жавоб қилаётган одамнинг ҳам мендек онаси, отаси, фарзандлари кутиб ўтиргани ёдингда бўлсин”, — дея насихат қиларди у.

Қарши тармоқ ИИБдаги би-

лимдон, ҳалол ва тажрибали терговчи қизнинг адолатпарварлиги вилоят, республика ҳуқуқтартибот ходимларига маълум бўлди. Қурбонбиби Султанова орадан беш йил ўтиб, республика Ички ишлар вазирлиги Тергов Бош бошқармасига ишга таклиф қилинди.

— Бу жойда ишлаётганимга ҳам салкам ўттиз йил бўлапти, — дейди у мулоим жилмайиб — Кўлимдан қанча жиноят “иш”-лари ўтди. Қанча ҳуқуқбузарлар билан юзма-юз бўлдим. Лекин ҳеч кимга нисбатан ноҳақлик қилмадим. Байрамларда жазони ижро этиш жойларидан келадиган табрик хатлари, “тўғри йўл кўрсатганингиз учун раҳмат” дегувчиларни кўриб, онажоним (худо раҳмат қилсин) “эркакларнинг касби”да ишлаётганим, терговчилик касбини танлаганимдан рози бўлдилар. Терговчилик сирларини ўргатган устозим, ис-

теъфодаги милиция полковниги Н. Абаева: “Терговчидан сичковлик, қонунга суяниш, инсон тақдирига енгил-елли қарамаслик талаб қилинади”, — деб қайта-қайта уқтирдилар. Мен онам ва устозимнинг ишончини оқлаётганимдан хурсандман.

Елкасида милиция полковниги поғони ялтираб турган, Самарқанддек шаҳри азимда туғилиб, ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги, билими ва тажрибаси билан танилган Қурбонбиби Султанова ҳақида мақола ёзмақчи эканлигимни билган Тергов Бош бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги А. Шарафутдинов:

— Аёллар учун терговчи бўлиб ишлаш қийин. Лекин уларнинг иши сифатли, мукамал бўлади. Қурбонбиби Султанова касбини мукамал эгаллаган, ҳар қанча мақтаса, арзийдиган устоз ходимларимиздан, — дея баҳо бердилар.

Ўзининг таваллуд кунини нишонлаётган Қурбонбиби Султановани қизгин муборакбод этамиз. Унга узоқ умр, мустаҳкам саломатлик, ишларида омад тилаймиз.

**Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.**

Суратда: ИИБ ТББ катта терговчиси, милиция полковниги Қ. Султанова.

— Болам, бу — қиз болага хос иш эмас. Яхшиси, бошқа касб танла...

Университетнинг ҳуқуқшунослик факультетини битириб, Транспорт ИИБ Қарши бекати Тармоқ ички ишлар бўлимида терговчи сифатида иш бошлаган Қурбонбиби онаси Санам опа худди шундай дейишини биларди. Лекин ўрта мактабда ўқиб юрганида ўқитувчиларнинг

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:  
700029,  
Toshkent,  
Yunus Rajabiy  
ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba  
kunlari chiqadi.

Bosh muharrir  
**Shuhrat  
MURODOV**

Bosh muharrir  
o'rinbosari v.b.  
**Murod TILLAYEV**

Mas'ul kotib  
**R. BERDIYEV**  
Navbatchi:  
**Sh. XUDOYBERDIYEVA**  
Musahihlar:  
**M. AKRAMOVA  
G. XOLIQOVA**

Sahifalovchi:  
**Z. BOLTAYEV**

TELEFONLAR:

Bosh muharrir  
o'rinbosari 139-75-69.

Kotibiyat 139-73-88

muxbirlar  
bo'limi 139-75-69.

Buxgalter 139-75-37.

Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari  
bo'yicha murojaat uchun  
faks: 54-37-91  
Tel.: 59-23-08

E-mail:  
**urmvd@globalnet.uz**

Bizning hisob  
raqamlarimiz  
«Ipk yo'li»  
aksiyadorlik  
investitsiyaviy  
tijorat banking  
Mirzo Ulug'bek bo'limi.  
Hisob raqami:  
20210000700447980001,  
MFO 00421.

• Ko'chirib bosishda  
«Postda»dan ekanligini  
ko'rsatish shart  
• Muallifning mulohazasi  
tahririyat fikriga mos  
tushmasligi mumkin.  
• Qo'lyozmalar tahlil  
qilinmaydi va  
qaytarilmaydi.

Gazeta O'zbekiston  
Respublikasi Davlat matbuot  
qo'mitasida 00007 raqam  
bilan ro'yxatga olingan  
Buyurtma G — 945.  
Hajmi — 4 bosma taboq.  
Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish  
vaqti — 19.00.  
Bosishga  
topshirildi — 19.00.

Obuna raqamlari:  
Yakka tartibda — 180  
Tashkilotlar uchun — 366

40.802 nusxada chop etildi.

«SHARQ»  
nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonada manzili:  
Buyuk Turon ko'chasi  
41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.

## МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси ИИБ  
газета ва журналлари йил бўйи  
хонадонингиз меҳмони бўлади

“ПОСТДА” ва “НА ПОСТУ” газеталари  
ҳамда “QALQON” ва “ШИТ” журнал-  
ларига 2003 йилнинг биринчи ярми учун обу-  
на бошланди. Обуна “Матбуот тарқатув-  
чи” ОТАЖ орқали ва барча алоқа бўлинма-  
ларида амалга оширилади.



Нашрлар индекси (биринчиси фуқаролар  
учун, қавсдаги ташкилотлар учун):

“Postda” — 180 (366)

“Na postu” — 169 (367)

“Qalqon” — 970 (1083)

“Шит” — 971 (1084)

МАНЗИЛИМИЗ: 700029, Тошкент,  
Юнус Ражабий кўчаси, 1.

Х/р 20210000700447980001 “Ипак йўли” ак-  
циядорлик инвестициявий тижорат банкининг  
Мирзо Улуғбек бўлими. Банк коди 00421

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИИБ БИРЛАШGAN TAHRIRIYATI  
барча хоҳловчиларни “ПОСТДА” ва  
“НА ПОСТУ” газеталарини Тошкент шаҳ-  
рида ва Тошкент вилоятида тарқатишда қат-  
нашишга таклиф этади.

Нашрларимизнинг оммабоплиги тарқатув-  
чининг яхшигина пул ишлаб олишини кафо-  
латлайди.

Мурожаат учун телефон: 139-75-37

## Акс-садо

# МЕҲР КЎЗДА

“Postda” газетасининг  
шу йил 12 сентябрь сонидан  
чоп этилган “Ўғай она ҳам  
она” мақоласини ўқиб чиқ-  
қач, қишлоғимизда бўлиб  
ўтган бир аянчли воқеа  
ёдимга тушди. Лайло (исм  
ўзгартириб берилмоқда)  
ёшлигидан енгил-елли ҳаёт  
кечиришга ўрганди. У на  
отаси, на онасининг панд-  
насихатларига кулоқ тут-  
ди. Уқитувчиларининг мас-  
лаҳатларини писанд қилма-  
ди. 9-синфини тамомлагач,  
мактабга бормай кўйди. У  
ҳақда турли миш-мишлар  
чиқди. Бир кун қишлоқда  
ваҳимали хабар тарқалди.  
Эмишки, пахтазордан чақа-

лоқнинг ўлиги топилди.  
Теримчилар бу ҳақда мили-  
цияга хабар беришибди.

Воқеадан хабар топган  
қишлоқ аҳли ларзага келди.  
Милиция ходимларининг  
саъй-ҳаракатлари туфайли  
Лайло гумондор деб топил-  
ди. Уни тиббий кўриқдан  
ўтказишганда кечагина кўзи  
ёриганлиги аниқланди. Лай-  
ло шундан сўнгина айбига  
икрор бўлди...

Бу воқеа юз берганига 10  
йилдан ошди. Қишлоқдаги-  
лар Лайлонинг қилмишини  
нафрат билан эслашади.  
Бундайларни она деб ай-  
тишга тил бормади. Аёл  
шаънига иснод келтираёт-

ган кимсалар, афсуски  
ҳамон орамизда йўқ эмас.

Хурматли Зубайда опа!  
Мактубингизни ўқиб, Сизга  
хурматим ортди. Сиз қай-  
гурманг, меҳр кўзда, дейиша-  
ди. Беқийс меҳрингиз фар-  
зандларингиз қалбидаги муз-  
ни парчалаб ташлаши аниқ.  
Улар вақти келиб сизни ўғай  
она эмас, ўз оналаридек тан  
олишади. Меҳрға ташна бо-  
лаларга сиздек қалби дарё  
инсонни рўбарў қилгани  
Яратганинг марҳамати  
бўлса ажаб эмас. Ҳамиша  
соғ-саломат бўлинг.

**Зухра БОБОЖОНОВА,**  
Хоразм вилояти  
Богот тумани.



Йўл-транспорт ҳодисаларининг ол-  
дини олишда йўл ҳаракати хавфсиз-  
лиги хизмати ходимларининг касб ма-  
ҳорати, сичковлиги катта аҳамиятга  
эга. Зиммаларидаги масъулиятни чу-  
қур ҳис қилган ҳар бир ИПХ ходими  
транспорт воситаларининг техник  
ҳолатидан ташқари ҳайдовчининг  
аҳволи, транспорт воситасининг бош-  
қара олиш қобилияти, ҳужжатларига  
ҳам алоҳида эътибор бериши талаб

этилади. Шундагина тасодифан юз бе-  
риши мумкин бўлган фалокатнинг олди  
олинади. Бунинг яхши билган Қашқа-  
дарё вилояти Фузур тумани ИИБ ИПХ  
ходимлари катта инспектор, милиция  
капитани Э. Шаймов (ўртада) ва ми-  
лиция старшинаси Р. Мирзаевлар ўз  
постларида ҳаммаша хушёр туриб, йўл  
ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш-  
га муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

**М. ХЎЖАМБЕРДИЕВ олган сурат.**

Ўзбекистон Республи-  
каси ИИБ Қоровул Қўшин-  
лари кўмондонлиги раҳба-  
рияти ва шахсий таркиби  
Қоровул қўшинлари Бош  
бошқармаси бўлим бош-  
лиғи, полковник Ў. Қ. Ик-  
ромовга акиси — ички иш-  
лар идоралари фахрийси

**Хошим Қосимович  
ИКРОМОВ**нинг  
вафоти муносабати билан  
чуқур ҳамдардлик изҳор  
этади.

Навоий вилояти  
Хатирчи тумани  
ИИБ раҳбарияти ва  
шахсий таркиби ис-  
теъфодаги милиция  
майори

**Ақтам Сувонович  
ҲАМРОЕВ**нинг  
вафоти муносабати  
билан марҳумнинг  
оила аъзолари ва  
яқинларига чуқур  
таъзия билдиради.

Наманган вилояти ИИБ  
раҳбарияти ҳамда шахсий тар-  
киби вилоят ИИБ Жиноят  
қидирув ва терроризмга қар-  
ши курашиш бошқармаси  
бошлигининг 1-ўринбосари,  
милиция подполковниги  
Камолжон Обидовга волидан  
муҳтарамаси

**Ҳабибахон ая  
ОБИДОВА**нинг  
вафот этганиги муносабати  
билан чуқур таъзия билдира-  
дилар.